

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МАМАТҚУЛОВА ФЕРУЗА ТОХИРОВНА**

**“ТОҲИР ВА ЗУҲРА” ДОСТОНИ ТУРКИЙ ВЕРСИЯЛАРИНИНГ**  
**ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Маматқулова Феруза Тоҳировна**

“Тоҳир ва Зухра” достони туркий версияларининг қиёсий таҳлили....

**Маматқулова Феруза Тоҳировна**

Сравнительный анализ тюркских версий поэмы “Тахир и Зухра”.....

**Mamatqulova Feruza Tohirovna**

Comparative analysis of Turkic versions of the poem “Tahir and Zukhra”.....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МАМАТҚУЛОВА ФЕРУЗА ТОХИРОВНА**

**“ТОҲИР ВА ЗУҲРА” ДОСТОНИ ТУРКИЙ ВЕРСИЯЛАРИНИНГ  
ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
№В2018.3.PhD/Fil491 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг  
www.tai.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига  
жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Маматкул Жўраев,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган маданият ходими,  
филология фанлари  
доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жоппар Эшонкулов,**  
филология фанлари доктори,  
профессор  
**Илҳом Саидкулов,**  
филология фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили,  
адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи  
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат  
\_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5.  
Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий  
кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100,  
Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2020 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.М.Мирзаев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., академик

**Л.Худайкулова**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

**Ш.Турдимов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, ф.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги.** Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида эпик анъананинг шаклланиши, тадрижий тараққиёти ва бадий тафаккур тарихида тутган ўрнига доир янги илмий концепцияларнинг юзага келганлиги эпос назариясининг янада такомиллашишига асос бўлди. Натижада туркий халқлар эпик тафаккури, шу жумладан, ўзбек эпоси сюжетининг генетик асослари олтой тиллари оиласига мансуб этносларнинг қадим аждодлари мифологияси ва архаик эпосига бориб тақалишини илмий жиҳатдан далиллаш имконияти юзага келди. Бинобарин, фольклоршуносликда деярли ўрганилмаган китобий дostonларнинг ўзбек вариантларини унинг туркий версиялари билан қиёсан таҳлил қилиш натижасида унинг ўзига хос миллий талқинларини аниқлаш ҳамда анъанавий сюжетларнинг тарихий-генетик асосларини ёритиш эпик тафаккур тадрижини ёритишга асос бўлади.

Бугунги кунда дунё эпосшунослигида эпик анъананинг келиб чиқишини мифологик эпосга боғлаш ҳамда эпик шеърят шаклланишини қадимги шомон поэзиясининг синтези сифатида талқин қилишдан иборат концепциялар устуворлик қилмоқда. Ана шу назарий қарашлар асосида эпик ижодиётга мансуб бадий матнларни системалаштириш ва тизимли таҳлил қилиш орқали дунё халқлари эпосининг миллий этнопоэтик константалари корпусини яратиш борасида изчил иш олиб борилмоқда. Зеро, бадий тафаккур ривожидида муҳим роль ўйнаган йирик эпосларнинг миллий фондини яратиш ҳар бир халқ эпик тафаккурининг ўзига хос тамойилларини аниқлаш ҳамда бахшилар эпик ижодиётининг моҳиятини янада теранроқ тушунишга хизмат қилади.

“Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ғояси асосида тараққий этаётган Янги Ўзбекистонда халқ ижодини тадқиқ ва тарғиб этиш, айниқса, бахшичилик санъатини тараққий эттиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, “агар биз бу ноёб санъатни сақлаб қолиш учун бугун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмасак, афсуски, кеч бўлади, келгуси авлодлар, тарих бизни кечирмайди”.<sup>1</sup> Шу нуқтаи назардан қараганда, бошқа туркий халқлар сингари ўзбек халқи орасида ҳам дoston, қисса ва эртак сифатида жуда кенг кўламда тарқалган эпик сюжетнинг мукамал бадий ифодаси ҳисобланган “Тоҳир ва Зухра” дostonини фундаментал тадқиқ этиш ҳам фольклоршуносликнинг долзарб илмий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорлари, Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик фестивалида сўзлаган нутқи. – Термиз шаҳри, 2019 йил, 5 апрель.

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги VMQ-304-сон “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** “Тоҳир ва Зухра” достонининг сюжети ўзбек, туркман, озарбайжон, татар, бошқирд, уйғур, крим-татар, турк, қозоқ ва бошқа туркий халқлар орасида афсона, эртақ, дoston ва қисса тарзида ғоят кенг тарқалган. Бу дoston сюжетининг ўзига хос эпик талқинлари қорақалпоқ, гагауз, кўмик, дарғин ва бошқа халқлар фольклорида ҳам мавжудлиги маълум. “Тоҳир ва Зухра” дostonининг туркий версиялари маълум даражада ўрганилган бўлиб, жумладан, татар<sup>2</sup>, турк<sup>3</sup>, туркман<sup>4</sup> версиялари ҳақида бир қатор илмий тадқиқотлар нашр этилган.

“Тоҳир ва Зухра” дostonининг ўзбек фольклоридаги оғзаки, қўлёзма ва литографик усулда чоп этирилган вариантлари яхлит ҳолда фундаментал илмий тадқиқ этилмаган бўлса-да, В.М.Жирмунский, Ҳ.Зарифов, М.Саидов, Т.Нишонбоева, О.Мадаев, Ҳ.Оқбўтаев, М.Жўраев<sup>5</sup> каби олимлар бу асарнинг жанрий мансубияти, тарқалиш доираси, вариантлари, сюжет тизимидаги

---

<sup>2</sup> Ҳамматжанов М.И. О языке новонайденного текста «Тахир и Зухра» // Анализы текстов по истории татарского литературного языка. – Казань, 1987. – С.120-129; Татарские версии сюжета «Тахир-Зухра» // Средневековая татарская литература (VIII-XVIII вв.). – Казань: Фэн, 1999. – С.119-120; Исламов Р. Еще об одном варианте дастана «Тахир и Зухра» // Гасырлар авазы (Эхо веков). – Казань. – 2005. – №2. – С.193-204; Мохаммаджанова Л.Х. Татарский эпос: книжные дастаны. – Казань, 2014. – С.318-352; Шамарова Г.Б. Язык дастанов А. Уразаева-Курмаши «Кисса-и буз Джигит» и «Кисса-и Тахир и Зухра»: АКД. – М., 1991.

<sup>3</sup> Fikret Turkman. “Tahir ile Zühre'nin Anadolu ve Özbek Varyantları // Türk Dili Araştırmaları Yıllığı-Belleten. – Ankara, 1988. – s. 83–88; Шу муаллиф. Tahir ile Zühre (inceleme-Metin). – Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı Yayınları, 1998; Gökbulut Burak. Tahir ile Zühre hikâyesi (Kıbrıs türk varyanti)'nin yapı bakımından incelenmesi // Turkish Studies. – Ankara, 2009. Volume 4/3. – P.977-990.

<sup>4</sup> Mämmetcumayev A. Zühre ile Tahir süjesine göre türkmen edebiyatındaki masallar, rivayetler, halk destanları // Gazi Türkiyat . – Ankara, 2010. – Sayı 6. – s.385-400.

<sup>5</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947. – С.294-300; Саидов М. Узбекские народные дастаны и вопросы эпического мастерства. АДД. – Ташкент, 1971. – С.58-60; Нишонбоева Т. «Тоҳир ва Зухра» дostonининг вариантлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1958. – 3-сон. – Б.59-63; Шу муаллиф. «Тоҳир ва Зухра» дostonининг янги топилган варианты ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1963. – 2-сон. – Б.72-73; Шу муаллиф. Поэма Сайяди «Тахир и Зухра» (научно-критический текст): АКД. – Ташкент, 1965; Мадаев О. “Тоҳир ва Зухра” дostonида тасвир воситаларининг қўлланилишига доир // Ўзбек филологиясининг актуал масалалари. ТошДУ илмий асарлари. 532-сон. – Тошкент, 1972. – Б.104-107; Шу муаллиф. “Тоҳир ва Зухра” ҳамда “Кўзи Кўрпеш” ва “Баян сулув” дostonларининг структурал таҳлиliga доир // Ижодий ҳамкорлик ва адабий тараққиёт. – Тошкент, 1984. – Б.55-65; Оқбўтаев Ҳ. Халқ китоби “Тоҳир ва Зухра” ҳақида // Танқид ва адабиётшунослик масалалари. – Тошкент, 1973; Шу муаллиф. Халқ китоби “Тоҳир ва Зухра”нинг поэтик тузилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. – 4-сон. – Б.64-66; Жўраев М. Муллонафаснинг «Зухра-Тоҳир» дostonи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010. – 1-сон. – Б.41-48; Шу муаллиф. Генезис и художественная эволюция дастана «Зухра и Тахир» // Молланепес и жизнь туркмен XIX века. Материалы международной научной конференции. 8-10 апреля 2010 г. – Мары, 2010. – С.294-295.

мотивлар таркиби ва образлар силсиласи таҳлиliga доир муҳим илмий қарашларни илгари суришган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Қўқон давлат педагогика институти “Ўзбек адабиёти” кафедрасида олиб борилаётган фундаментал илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** “Тоҳир ва Зухра” достонининг ўзбекча оғзаки вариантлари ҳамда қўлёзма нусхаларини туркий версиялар билан қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш асосида достон сюжетининг тарихий асослари ва бадиий эволюциясини аниқлашдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“Тоҳир ва Зухра” достони туркий версияларининг ўрганилиши тарихини ёритиш;

“Тоҳир ва Зухра” достонининг ўзбек фольклоридаги оғзаки вариантларини қиёсий тадқиқ этиш;

Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухра” достонида эпик сюжетнинг қайта ишланиш тамойилларини кўрсатиш;

“Тоҳир ва Зухра” достони қўлёзмасининг Хоразм нусхасининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

“Тоҳир ва Зухра” достони туркий версияларини тасниф қилиш ҳамда ҳар бир миллий версиянинг умумтуркий эпик анъанада тутган ўрнини аниқлаш;

достон сюжетининг тарихий асосларини ёритиш;

достоннинг композицияси, мотивлар таркиби ва образлар тизимини ўрганиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида “Тоҳир ва Зухра” достонининг ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида сақланаётган вариантлари, достоннинг туркий версиялари ҳамда шу мавзудаги қиссалар танланди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни “Тоҳир ва Зухра”нинг достони ўзбек вариантлари, бошқа туркий халқлар фольклоридаги миллий версиялари, ушбу сюжет асосида яратилган эртақ ва қиссалар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий ва қиёсий-типологик методлардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Туркий халқлар фольклорида алоҳида ўрин тутадиган “Тоҳир ва Зухра” достонининг оғзаки версия ва вариантларини яхлит эпик тизим сифатида илк бор тадқиқ этиш асосида ўзбек китобий эпосининг ишқий-романик типига мансуб достонлар XVII-XIX асрларда халқ ижоди анъаналари ва ёзма адабиётнинг синтези сифатида яратилганлиги ҳақидаги назарий қарашлар такомиллаштирилган;

“Тоҳир ва Зухра” достони Раҳматулла Юсуф ўғли, Зоҳир Қўчқор ўғли ва Қора баҳши Умиров вариантларини қиёсий таҳлил қилиш натижасида баҳшилар бадиий маҳоратининг ўзига хослиги вариантлараро фарқли жиҳатларни юзага келтирганлиги асосланган;

“Тоҳир ва Зухра” достонининг ўзбек вариантларини қиёсий тадқиқ этилиши натижасида китобий эпоснинг шаклланиши ва вариантлашувига ушбу эпик сюжетнинг эртак сифатидаги намуналари асос бўлганлиги, бинобарин, бу асарнинг жанубий Ўзбекистон достончилари эпик репертуаридан ўрин олиши достонлар нашрининг бахшилар ижодига таъсири билан боғлиқлиги исботланган;

достоннинг туркий халқлар фольклоридаги версиялари ўзаро қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганилган ва фольклоршунослик тарихида биринчи марта бу достоннинг версиялараро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланган;

“Тоҳир ва Зухра” достони сюжетининг тарихий-генетик илдизлари ёритилиб, мазкур эпик сюжетнинг манбалари ҳамда тадрижий ривожига жараёни ойдинлаштирилган;

“Тоҳир ва Зухра” достонининг барча намуналарини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш асосида туркий халқлар фольклорида ушбу эпик сюжетнинг қорлуқ-чигил, қипчоқ ҳамда ўғуз версияси мавжудлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“Тоҳир ва Зухра” достони сюжетининг ўзбек фольклоридаги эртак, достон ва қисса сифатида оммалашган барча намуналари аниқланган ва уларнинг яхлит бадиий тизим сифатидаги хусусиятлари ойдинлаштирилган;

достоннинг Раҳматулла Юсуф ўғли, Зоҳир Қўчқор ўғли, Қора бахши Умиров, Мухаррам Зоҳидова вариантларининг ҳар бирига хос хусусиятлар аниқланган ва бахшилар поэтик маҳоратининг анъанавий эпик сюжетни бадиий талқин қилишдаги ўрни кўрсатиб берилган;

мазкур достоннинг уйғур, татар, қozoқ, қорачой-болқар, туркман ва бошқа туркий халқлар фольклоридаги версияларига хос миллий хусусиятлар аниқланган;

“Тоҳир ва Зухра” достонининг қўлёзма ва оғзаки нусхалари қиёсий ўрганилиб, эпик мотив ва образларнинг тарихий асослари очиқ берилган.

достоннинг Қора бахши Умировдан ёзиб олинган варианты таҳлили мисолида достонлар нашрининг бахшилар эпик репертуарига кўрсатган таъсири асосланган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги.** Тадқиқотда ечилиши лозим бўлган масаланинг аниқ қўйилганлиги ҳамда у “Тоҳир ва Зухра” достони ўзбек вариантларини туркий версиялар билан қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш асосида олинган хулосалар далилланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Туркий халқлар эпик тафаккури таракқиётида муҳим ўрин тутадиган ишқий-романик достонлардан бири ҳисобланган “Тоҳир ва Зухра” достонининг ўзбек бахшиларидан ёзиб олинган вариантларини мазкур асарнинг туркий халқлар фольклорида мавжуд бўлган миллий версиялари билан қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш, достон сюжетининг шаклланиш тарихи ва бадиий эволюциясини ёритиш, асарнинг поэтик ўзига хослигини кўрсатиб беришга бағишланган ушбу диссертациянинг илмий-назарий хулосалари ва

умумлашмалари ўзбек халқ эпосининг тарихий асослари ва бадииятини кенг қўламда қиёсий ўрганишда ўзига хос назарий аҳамият касб этади.

Чиқарилган илмий хулосалар, ишда келтирилган далиллар, назарий фикр-мулоҳазалардан олий ўқув юртларида халқ оғзаки бадиий ижодиёти фани бўйича махсус курслар ўтишда ва маърузалар ўқишда, академик лицей ва коллежларда фольклор фанидан дарс машғулотлари олиб боришда, ўзбек фольклоридан ўқув қўлланмалари, дарслик, мажмуалар, атамалар луғати яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Тоҳир ва Зухра” достонининг ўзбек вариантларини ушбу эпик асарнинг туркий версиялари билан қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Тоҳир ва Зухра” достонидаги ғайритабиий туғилиш мотивининг мифологик асосларига доир илмий хулосалари ҳамда ўзбек халқ китобий достонларининг шаклланишида романик эпоснинг таъсирига доир қарашларидан Навоий давлат педагогика институтида бажарилган Ф1-ХТ-0-19919 “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётидаги ўрни” (2012-2016) фундаментал лойиҳанинг «Ўзбек фольклори ва мифология» қисмида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 январдаги 89-03-124-сон маълумотномаси). Натижада туркий халқлар достонларининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган эпик мотивларнинг мифологик асослари ойдинлаштирилган;

“Тоҳир ва Зухра” достонининг оғзаки версия ва вариантларини қиёсий таҳлил қилиш асосида унинг бадиий жиҳатдан энг мукамал намунасини аниқлаш билан боғлиқ тадқиқот материалларидан ЎзР Маданият вазирлиги “Қўқон” давлат музей-қўриқхонасининг фольклоршунослик бўлимига оид экспонат ва материаллар кўргазмасини ташкил этишда диссертациядан олинган манбалардан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги “Қўқон” давлат музей-қўриқхонасининг 2020 йил 6 июндаги 22-сонли маълумотномаси). Натижада истиқлол йилларида миллий адабиётимиз соҳасида илмий тадқиқот ишларининг мазмунини такомиллаштиришда, ёшларни ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашда самарали хизмат қилишга эришилган;

Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти Ўзбекистон туман ҳокимлиги муассислигидаги “YO’GDU-YAYPAN” телевидениеси “Тоҳир Бағдод” телеканалининг “Ўзбекистон тумани янгиликлари” лойиҳасида “Истеъдод. Қадрият” туркум кўрсатувларини тайёрлашда миллий урф-одатлар ва оғзаки адабиёт намуналарини кенг омма орасида тарғиб қилишда тадқиқот манбаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Фарғона бўлими 2020 йил 15 майдаги 20/11-сон маълумотномаси) Натижада телекўрсатув ва эшиттиришларнинг мазмуни бойитилиб, ғоявий, илмий таъсирчанлиги оширилган.

**Ишнинг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 4 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми **169** саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тоҳир ва Зухра” достонининг ўзбек вариантлари**” деб номланган биринчи бобининг илк фасли **“Достоннинг Зоҳир шоир Кўчқор ўғли варианты”** таҳлилига бағишланган.

“Тоҳир ва Зухра” достони туркий халқлар китобий эпосининг ишқий-саргузашт типига мансуб бўлиб, халқимиз орасида ушбу сюжетнинг достон, қисса, эртак ва афсона тарзида оммалашган эпик талқинлари мавжуд бўлган. “Кўзи Кўрпеш ва Баян сулув” достони билан муштарак негизга эга бўлган “Тоҳир ва Зухра” достони Фозил Йўлдош ўғли томонидан ҳам куйланган бўлиб, аммо бу вариант ёзиб олинмаган<sup>6</sup>. Бу достоннинг Ислом шоир Назар ўғли, Зоҳир шоир Кўчқор ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Қора бахши Умировдан тугал вариантлари, шунингдек, тўлиқ бўлмаган ва парчалар ҳолидаги намуналари ҳамда ушбу эпик сюжет асосида яратилган қирқдан ортиқ эртаклар ёзиб олинган.

Венгер олими Х.Вамбери томонидан 1867 йилда “Тоҳир ва Зухра” қиссасидан бир парча чоп этилган<sup>7</sup>. Шунингдек, Саййид Муҳаммад Сайёдий томонидан яратилган “Тоҳир ва Зухра” достонининг XIX асрда мулла Муҳаммад Жума исмлиқ котиб томонидан кўчирилган қўлёзма нусхаси<sup>8</sup>, литография усулида босилган нусхалари<sup>9</sup> ҳам мавжуддир. Халқ орасида кенг тарқалган “Тоҳир ва Зухра” қиссаси 1910-11, 1913-14 йилларда Тошкентда, 1910-13 йилларда Самарқандда бир неча марта литографик усулда нашр

<sup>6</sup> Жирмунский В.В., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ОГИЗ, 1947. – С.294.

<sup>7</sup> Vambéry H. Cagataische sprachstudien enthaltend grammatikalischen umriss, chrestomathie und wörterbuch der cagataischen sprache “Zehra und Tahir”. – Leipzig, 1867. – F.154-163.

<sup>8</sup>ЎзР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фонди. Инв.№5520-П.

<sup>9</sup>ЎзР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фонди. Инв.№383, 481, 630, 4629, 14843.

килинган. Хоразмлик бахшилар ва халфаларнинг аксарияти “Тоҳир ва Зухра” достонини ижро этишган<sup>10</sup>.

“Тоҳир ва Зухра” достони Зоҳир шоир Қўчқор ўғлидан икки марта ёзиб олинган. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида 1226-инвентарь рақами остида сақланаётган “Тоҳир ва Зухра” достонини Зоҳир шоир Қўчқор ўғли 1953 йилда ўз қўли билан ёзиб топширган. Достон қўлёзмасининг ҳажми 203 саҳифани ташкил этади. Достоннинг бу варианты мазкур асарнинг Ислом шоир Назар ўғлидан ёзиб олинган ва Муллонафаснинг “Зухра-Тоҳир” достонига матний жиҳатдан ўхшаш бўлган асарнинг айнан ўзидир. Бунинг сабаби шундаки, Зоҳир шоир Қўчқор ўғли достончилик сирларини ўрганиш мақсадида Нарпайга келиб, Ислом шоирга шогирд тушган ва унинг репертуаридаги эпик асарларни асосан ёдлаш асносида ўрганган. Шунинг учун у айрим достонлар матнини устозидан қандай ёдлаган бўлса, ҳеч қандай ўзгартиришларсиз ижро этган.

Аmmo бахши ўз устозидан ёдлаб ўрганган “Тоҳир ва Зухра” достонини айтиш билан чекланиб қолмасдан, шу мавзудаги халқ китоблари ва эртаклари сюжети асосида бу эпик сюжетнинг янги талқинини ҳам яратган. Бу вариант қўлёзмасининг ҳажми 222 саҳифа бўлиб, уни 1983 йилда Ш.Орифий ёзиб олган. Бу вариант ўзининг сюжет қурилиши, мазмуни, воқеалар баёнининг оригиналлиги, ҳажман анча катталиги ва шеърый қисмининг бадий жиҳатдан анча пишиқлиги билан ажралиб туради.

Достон туркий халқлар эпосида кўп учрайдиган анъанавий бефарзандлик ва эпик қаҳрамонларнинг ғайриоддий туғилиши мотивларининг “қўшалоклаштириш” усули асосида баён қилинган тотемистик талқини билан бошланган. Қаҳрамонларнинг дунёга келишига сабабкор бўладиган ғаройиб олманинг қаландар тарафидан ҳадя этилишида маълум бир ўсимликни истеъмол қилиш орқали ҳомила топишдан иборат тотемик тасаввур ўз ифодасини топган. Подшо билан вазир суҳбатлашиб ўтирганларида дарвозани тақиллатиб келган қаландар қўйнидан битта олма чиқариб берадида: “Бу олмани олиб боргин, подшога бергин, вазир билан икки бўлишиб есин, иншоолло, икковларининг ҳам зурриёдлари бўлғай!” деб кўздан ғойиб бўлади<sup>11</sup>. Бу мотивда аждодлар ҳомийлиги, яъни ўтиб кетган ота-боболар руҳининг мадади тўғрисидаги қарашлар ўз ифодасини топган.

Аждодлар культига ишонишга асосланган анимистик қарашларнинг ота-боболар руҳининг мадади ва ҳомий-пирлар кўмагида ҳомила ҳосил бўлиши тўғрисидаги эътиқодлар билан қўшилиши натижасида юзага келган мазкур мотивнинг “олма” детали билан боғлиқ талқинлари мазкур эпик сюжет асосида юзага келган ўзбек халқ эртакларида ҳам учрайди.

“Тоҳир ва Зухра” достонида қаҳрамонларнинг ғайриоддий туғилиши мотивининг “олма” детали воситасида баён қилиниши, *биринчидан*, халқ қарашларида “олма”нинг оила, муҳаббат, фарзанд, серҳосиллик, қут-барака

---

<sup>10</sup>Ошиқнома. 4-китоб. Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев, Х.С.Рўзимбоев, Н.Матёзова, Н.Раимова. – Урганч, 2009. – Б.326-354.

тушунчалари билан боғлиқ ҳолда талқин қилиниши анъанасини ўзида мужассамлаштирган. “Эртақдаги олма рамзий образининг тарихий илдизлари қадимги ҳосилдорлик культларига боғланади”.<sup>12</sup> *Иккинчидан*, “олма” воситасида юзага келган ҳомиладорлик натижасида фарзанд туғилиши мотиви эгизаклар култи билан алоқадор мифлар билан ҳам боғлиқдир.<sup>13</sup> “Олма” воситасида туғилиш мотивининг эгизаклар култига алоқадорлигини “Тоҳир ва Зухра” достонида эпик қаҳрамонларнинг дарвеш томонидан ҳады қилинган бир олмани подшо билан вазир (ёки уларнинг аёллари) бўлиб ейишлари туфайли юзага келган ҳомила натижасида туғилганликлари; “олма эгаси” (яъни дарвеш, қаландар, нуроний чол ва ҳ.к.) туғилган болаларни бири-биридан ажратмасликни таъкидлаши ҳамда Тоҳир билан Зухра доимо бири-бири билан боғлиқ, бир вужуд, бир тан сифатида тасвирланганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. *Учинчидан*, эпик асарлардаги олма билан боғлиқ ҳомиладорлик мотивининг тарихий-генетик асослари тотемистик қарашларни ҳам ўзида акс эттирган. Олма туфайли эпик қаҳрамонларнинг дунёга келиши мотивининг тарихий асослари ҳам серҳосиллик ғояси, эгизаклар култи ва тотемистик эътиқодларнинг эпик тафаккур ривожидавомида яхлит ҳолда поэтик талқин қилиниши натижасида келиб чиққан.

Зоҳир Кўчқор ўғлининг “Тоҳир ва Зухра” достонида Қамбар вазирнинг бевақт вафот этиши ўзига хос тарзда талқин қилинган. Ушбу асар сюжетининг дoston ва эртақ сифатидаги кўпгина версия ҳамда вариантларида ўғил фарзанд кўрганлиги ҳақидаги хабарни овда юрганида эшитган вазир шошиб-пишиб от қўйиб келаётганида оти бирор нарсага қоқилиб кетиши натижасида йиқилиб ўлиши воқеаси баён этилади. Зоҳир шоир эса Қорахон подшонинг кизини Тоҳирга бериш тўғрисидаги ўз аҳдидан воз кечиши, яъни лафзсизлик қилишини асослаш мақсадида ана шу сюжет элементига ижтимоий мазмун бахш этишга ҳаракат қилган. Ёмон одамларнинг кутқусига учган Қорахон подшо ов баҳонасида Қамбар вазирни овлоқ жойга олиб чиқади ва орқасидан ўқ узиб ўлдиради (“Зоҳир Кўчқор ўғли варианты”, 31-б).

Зоҳир шоирнинг маҳорати шундаки, у дoston сюжет тўқимасига олиб кирган ҳар бир эпик қаҳрамон зиммасига маълум бир бадий вазифа юклатилган бўлиб, бу вазифа Тоҳир ёки Зухра тақдири билан бевосита боғланган бўлади. Акаси шикорга кетган Офтобой гилам тўқиб ўтирганида боғдан бир бегона йигитнинг овози эшитилаётганини сезиб, Гўшаи товусон тарафга қараса, ёр ишқида нола қилаётган Тоҳирга кўзи тушади. Унинг ёниб-қуйиб куйлашидан соҳибжамол Зухрага ошиқ Тоҳир эканлигини англайди ва уни ўзи бошлаб боришга уялгани учун отасининг олдига бориб:

Товуслар бошига соясин солган,  
Жами қушлар гирди атрофин олган,  
Йигит ўқир, қушлар сайровдан қолган,

<sup>12</sup>Юсупов Ж. Хоразм эртақлари поэтикаси. – Урганч, 2005. – Б.82.

<sup>13</sup>Қазымоғлы М. Миф о близнецах и проблема двойника в фольклоре // Вестник тюркского мира. – Махачкала, 2009. - №1. – С.35.

Чарчаб-толган йигит кўрдим, отажон! (“Зоҳир Қўчқор ўғли варианты”, 76-б).

Шундан кейин Тоҳир Гўшайи товусонда қолади ва бир куни саҳрода сайр қилиб, қушлар билан ҳангомалашиб юрганида Зухранинг юртидан келаётган карвонга дуч келади. Карвонлар Тоҳирни битта оқ туяга миндириб Тотор мамлакатиغا олиб борадилар. Эпик қаҳрамоннинг оқ туяга миндирилиши мотивининг қадимий асослари аجدодларимизнинг туя култи ҳақидаги тасаввурларига боғланади. Эрамиздан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида мамлакатимиз ҳудудида яшаган қадимги аждодларимиз мифологиясида туя култи юзага кела бошлаганлигини тасдиқловчи кўплаб археологик топилмалар мавжуд<sup>14</sup>. Оқ туя эса давлат, бахт, қут-барака ва ҳокимият тимсоли сифатида тасаввур қилинган.

Оқ туяга минганча, карвонларга қўшилиб Тотор элига қайтаётган Тоҳир осмондан учиб ўтаётган турналарга қарата:

Айланайин жоним, турна,  
Тахти Сулаймоним, турна,  
Билсин Зухраоним, турна,

Тоҳирбекдан салом айтинг (“Зоҳир Қўчқор ўғли варианты”, 92-б), – деб мурожаат қилади ва севгилисига хабар йўллайди. Карвонбоши Тоҳирнинг келаётганлиги ҳақидаги хабарни етказишидан аввалроқ Зухра ёрини тушида кўради, ўша куни хурсанд бўлиб уйғонганида тонг саҳарда кўшк ёнидан учиб ўтаётган турналардан ёрининг дарагини сўрайди. “Тоҳир ва Зухра” достонининг ушбу вариантыда турна образи қаҳрамон ҳақида хабарни унинг севгилисига етказувчи поэтик тимсол сифатида қўлланилади.

Достоннинг бошқа кўпгина миллий версия ва вариантларида Қоработирнинг ўлими унинг Тоҳир билан жангига ёки Зухранинг ҳамласига боғлаб талқин қилинган бўлса, бу вариантда у Қиронхон билан кўпкарида зот таллашиш жараёнида отдан йиқилиб бўйни синиб ўлади. Буни Зоҳир шоир Қўчқор ўғлининг ижоди индивидуаллиги натижасида сюжет талқинига олиб киритилган новаторлик намунаси деса бўлади.

Мазкур вариантда сюжетнинг финал қисми мотивлари ҳам ўзига хос тарзда эпик талқин қилинган. Қоработирнинг ўлганлиги ҳамда Қиронхон, Олтиной бошчилигидаги катта қўшин юрт остонасида келиб турганидан хабар топган Қорахон “қиличини бўйнига осиб” таслим бўлади ва қизи Зухрани Тоҳирга беришга рози бўлади. Тоҳир ўз севгилиси билан топишиб, Тотор мамлакати тахтига эга бўлиб, бахтли ҳаёт кечира бошлайди. Бу вариантда анъанавий эпик сюжет ечими кучли ўзгаришга учраган бўлиб, қаҳрамонларнинг ўлиши ва қабрларидан гул (дарахт, бута) ўсиб чиқиши мотиви учрамайди.

Сюжетнинг бундай тугалланма билан яқунланиши халқнинг идеалига мос келиши билан характерланади. Чунки халқ адолатсизлик қурбони бўлган эпик қаҳрамонларнинг бахтли бўлишини орзу қилганлиги учун ҳам Зухра билан Тоҳирнинг севгиси тўғрисидаги эртак ва афсоналар ана шундай

---

<sup>14</sup> Кузьмина Е.Е. Сцена терзания в искусстве саков // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С.80;

саодатли лавҳа билан якун топишини истаган. Ўзбек фольклори анъаналарини яхши билган, қолаверса, дoston ва қиссалар орқали қардош туркий халқлар эпик ижодиётидан яхшигина хабардор бўлган Зоҳир шоир Қўчқор ўғли асар композицион қурилмасига қаҳрамонларнинг мурод-мақсадига етишиши мотивини олиб кириш орқали қадимий сюжетни янада мукамаллаштиришга эришган.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “**Дostonнинг Раҳматулла Юсуф ўғли варианты**”ни ўрганишга бағишланган. Дostonнинг таниқли қиссахон-бахши Раҳматулла Юсуф ўғли ижросидаги варианты ҳажман нисбатан қисқалиги, шеърӣ қисмларнинг халқ қўшиқлари услубига яқинлиги, сюжет тузилишининг шу мавзудаги халқ эртакларининг композицион қурилишига асосланганлиги ҳамда Қўрғон дostonчилик мактаби анъаналарини ўзида акс эттириши билан бошқа нусхалардан фарқланиб туради.

Дoston воқеалари “Самарқанднинг сиртида, Ўзжан юртида” яшовчи Қорахон ва Сарихоннинг бефарзандлиги мотиви билан бошланади. Шундан кейинги воқеалар талқини ушбу мавзудаги халқ эртаклари сюжетига мос бўлиб, бахши дostonни ишлашда эртак мотивларидан самарали фойдаланганлиги яққол кўзга ташланади. Аммо дostonнинг тугалланмасида Зухранинг ғаройиб тарзда ер остига кириб кетиши мотивида бахшининг ижодий ўзига хослиги акс этган.

Асар сўнггида эпик қаҳрамонларнинг тирилиши ёки ер остига кириб ғойиб бўлиши туркий халқлар дostonларининг анъанавий мотивлардан бири ҳисобланади. “Қўзи Қўрпеч ва Баян сулув” дostonининг бошқирд версиясида Баян (Маянһылыу) йиғлаб ўтирганида “яшил ҳасса ушлаган, оқ кийимлик, оппоқ соқолли бир чол пайдо бўлиб, йигитни уч кунга тирилтиради”<sup>15</sup>. Қаҳрамоннинг ўлиб-тирилиши мотиви мазкур эпоснинг қозоқ ва олтой версияларида ҳам мавжудлиги қайд қилинган<sup>16</sup>. Эпик қаҳрамоннинг тирилиши мотиви дунё халқлари эртаклари сюжетидаги анъанавий мотивлар каталогига Е-35 рақами билан белгиланган бўлиб, туркий халқлар адабиётининг қадимий намуналарида, хусусан, “Дада Қўркут китоби”да ҳам учрайди<sup>17</sup>. Муллаанафаснинг “Зухра-Тоҳир” дostonида ҳам эпик қаҳрамонлар Хизр кўмагида тириладилар.

Дostonнинг ўзбек фольклоридаги вариантларида қаҳрамонлар тақдири турлича талқин қилинган: Раҳматулла Юсуф ўғлининг “Тоҳир ва Зухра” дostonида тасвирланишича, Зухраикки ўзи севгилисининг қабрига боради-да, “Ором олай, менга тезроқ қўйнинг оч!” - деб ерга мурожаат қилади. Шунда Тоҳир қабрининг ёнбошидан эшик очилиб, Зухра ичкарига кириб абадий уйқуга кетади ва эшик ёпилади.<sup>18</sup> Бу қаҳрамоннинг ер остида деб тасаввур қилинган “ўзга олам”га сафар қилиши мотивининг ўзига хос эпик талқинидир.

<sup>15</sup>Башқорт халқ ижады. Эпос. Тузувчи: М.Сағитов. – Уфа, 1990. – Б.336-337.

<sup>16</sup>Хөббөтдинова Н.А. «Кузыйкурпес менен Маянһылыу» эпосы һам «Башқорт повести» // Башқорт фольклори. 2. – Уфа, 1995. – Б.128.

<sup>17</sup>Ruben W. Dede Korkut Hikayeleri uzerine yeni arařtırmalar. – Istanbul, 1989. – S.14-15.

<sup>18</sup>Тоҳир ва Зухра. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – Б.47-48.

Биринчи бобнинг учинчи фасли “Достоннинг Қора бахши Умиров варианты” деб номланган.

Маълумки, Сурхон воҳасида яшовчи бахшилар эпик анъанасида “Тоҳир ва Зухра” достони мавжуд бўлмаган бўлса-да, бу достоннинг Қора бахши Умировдан ёзиб олинган варианты<sup>19</sup> Раҳматулла Юсуф ўғлининг шу номдаги достони таъсирида юзага келган. Бахши достоннинг асосий сюжетини сақлагани ҳолда унинг мотивларини Жанубий Ўзбекистон достончилиги анъаналари усулида талқин қилган. Бу вариантда воқеалар бўлиб ўтадиган эпик макон бахшига бевосита таниш бўлган ва халқ афсоналарида Тоҳир билан Зухранинг саргузаштлари рўй берган жой деб эътироф этиладиган ҳудуд доирасида локаллаштирилган.

Ўзбек халқ эпосида қаҳрамонга ёрдам берувчи ғайритабiiй ҳомий персонажлар образининг иштироки муҳим ўрин тутди. Кўпинча оппоқ соқолли чол, қаландар, девона кўринишида намоён бўладиган бундай персонажлар эпик қаҳрамонни мушкул ҳолатдан қутқариш, унга йўл кўрсатиш, маслаҳат бериш, изланаётган ғаройиб нарса ёки маликани қаердан топиш мумкинлигини билдиришдан иборат ҳомийлик вазифасини бажарадилар<sup>20</sup>.

“Тоҳир ва Зухра” достонининг Қора бахши Умиров вариантыда эпик ҳомий образининг икки хил типи талқин қилинганлиги кўзга ташланади.

1) **Эпик ҳомий образининг тотемистик типи.** Ит детали билан боғлиқ ҳолда ишланган эпик ҳомий образининг тотемистик талқини достоннинг Қора бахши Умиров вариантыга хос сюжет элементи бўлиб, бошқа вариантлар учрамайди. Бефарзандликдан азоб чекиб, фарзандталаб бўлиб чиққан Қорахон билан Сарихонга йўлиққан чўпонлардан бири Лангар ота номли зиёратгоҳни кўрсатиб, унинг йўли машаққатли эканини айтиб огоҳлантиради. Шунда Қорахон билан Сарихон сувсиз Жут чўлида кўп азобларни кўриб бир қудуқ ёнига етиб келганларида бир ит қудуқ бошида ҳолсираб ётганини кўриб қолишади. Шунда улар жониворга раҳми келиб, қудуқдан сув олиб итга ичирадилар. Сувдан сероб бўлиб, ташналиги қонган ит “олдинги оёғини ерга тираб, осмонга қараб, Қорахон билан Сарихоннинг муродини Оллоҳдан сўраб” муножот қилади:

Фарзанднинг доғида бағри эзилиб,

Сувсизликдан танда жони узилиб.

Даргоҳингга келар аранг чўзилиб

Бер муродин, банданг ожиздир сенга (Қора бахши Умиров варианты, 25-26-бетлар).

Достонда тасвирланиши, эпик қаҳрамонлар учун Оллоҳдан зурриёд тилаган ит бир зумда ғойиб бўлади. Шу фактнинг ўзи ҳам бу итнинг ғайритабiiй тотемистик ҳомий тимсоли эканлигидан далолат беради.

<sup>19</sup> Қора бахши Умиров. “Тоҳир ва Зухра” (достон). – Қарши: Насаф, 2014. – Б.10.

<sup>20</sup> Акрамов Ғ. Манистик мифология // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1979. – 6-сон. – Б.65-69; Жўраев М. «Алпомиш» достонида мифологик образлар // «Алпомиш» – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.147-157.

2) **Эпик ҳомий образининг антропоморф тип**. Ўзбек халқ дostonларида эпик қаҳрамонга ёрдам берадиган, унга ўзининг маслаҳатлари билан йўл-йўриқ кўрсатадиган ҳомий персонажларнинг асосийси инсон кўринишида намоён бўладиган образлар бўлиб, улар асосан Хизр, Шохимардон пир, оқ соқолли нуруний чол, қаландлар ёки девона қиёфасида тасвирланади. Халқ эпосига хос ҳомий-персонаж образининг бундай талқини “Тоҳир ва Зухра” дostonининг Қора бахши Умиров вариантыда Қорахон билан унинг вазири Сарихон қаландар либосини кийиб дарбадар кезиб юрганларида оқ соқолли чолга дуч келадилар. У: “Сизлар тиланчи қаландар эмас, тиловчи экансизлар. Ҳай майли, яна учрашармиз. Илоҳи омин, Оллоҳ таоло муродларингни берсин”, – деб дуо қилиб, шаҳар ташқарисига томон кетди” (Қора бахши Умиров варианты, 17-бет.).

Қаҳрамонларга дуч келган бу ҳомий-персонажнинг асосий функцияси фарзандталаб шоҳ билан унинг вазирига муроди ҳосил бўлиши учун Лангар ота авлиёсига бориш кераклиги ҳақидаги маълумотни беришдан иборатдир. Ҳомий-персонаж оқ соқолли нуруний чол кўринишида намоён бўлиши, ғойибдан дохил бўлиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлиши каби тасвирлар уни Хизр деб талқин қилишга асос беради. Бефарзанд эпик қаҳрамоннинг олис сафарга чиқиб, азиз-авлиёлар мазоридида тунаб, Оллоҳга илтижо қилиб фарзанд тилаши ва Шохимардон пир ёки Хизр қиёфасида намоён бўлган ҳомий персонажлар унга фарзанд ато қилинганлигини башорат қилиши асосан ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосига хос мотивлар сирасига киради.

“Тоҳир ва Зухра” дostonида тасвирланган эпик ҳомий образининг бундай икки хил талқини эпосдаги ҳомий-персонажлар типининг шаклланиш жараёни ва бадиий эволюцияси тотемистик тасаввурлар асосида шаклланган ҳомий персонажлар ҳақидаги халқ қарашларининг ривожланиши натижасида инсон кўринишидаги ҳомийлар образининг антропоморф тип келиб чиққанлигини кўрсатади.

Дostonда бахшининг шеърӣ парчаларни ишлашдаги ўзига хос бадиий маҳорати шундан иборатки, у асосан Шеробод дostonчилик мактабига мансуб бахшилар ижросига хос банд тузилишини, яъни “а-а-а-б-а” тарзидаги қофияланиш тизимига эга бўлган саккиз бўғинли беш мисралик шеърӣ бандларни ишлатган. Бу ҳолатни ўғилли бўлганлиги эшитган Сарихоннинг хурсандлигидан отда елиб бораётганда тасодифан ўлиши тасвирланган қуйидаги шеърӣ парчада ҳам кўриш мумкин:

От тошлоқда сурилди,  
Ўлим савдоси қурилди,  
Қип-қизил қонга қорилди.  
Отдан учиб Сарихоннинг,  
Тос манглайи ёрилди (Қора бахши варианты, 34-35-бетлар).

Дostonнинг Қора бахши Умиров варианты халқ дostonлари нашрининг бахшилар эпик ижодиётига кўрсатган самарали таъсирининг ёрқин намунасидир.

Диссертациянинг иккинчи боби “Дostonнинг ўзбекча қўлёзма нусхалари ва тўлиқ бўлмаган оғзаки парчалари” деб номланган бўлиб,

унинг илк фаслида “Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухра” достони” таҳлилга тортилган.

Халқ орасида қисса тарзида кенг оммалашган “Тоҳир ва Зухра” достонининг юзага келиши шоирларнинг эпик сюжетларни бадиий қайта ишлаши асосида фольклор асарларининг ўзига хос “адабий талқинлари” юзага келиши жараёни билан бевосита боғлиқдир. Ана шундай асарлардан бири “Тоҳир ва Зухра” номли халқ қиссаси бўлиб, у Тошкентдаги “Ғуломия” ва Порцев матбаасида, Самарқанддаги Г.И.Темуров типолитографиясида, шунингдек, Қозон ва Симбирск литографияларида ҳам бир неча марта босилган. ЎзР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида,<sup>21</sup> Ўзбекистон миллий университети Асосий кутубхонасида<sup>22</sup> “Тоҳир ва Зухра” достонининг ўзбек тилидаги бир нечта қўлёзмаси ва литографик нашри нусхаси сақланади. Жумладан, 5520-II инвентар рақами остида рўйхатга олинган қўлёзма мулла Муҳаммад Жума томонидан кўчирилган бўлиб, унда Тоҳирнинг отаси Оқхон, Зухранинг отаси эса Қорахон тарзида талқин қилинган. Қўлёзма мазмуни мазкур достоннинг Зоҳир Кўчқор ўғлидан ёзиб олинган оғзаки вариантыга мос келади. Достоннинг қўлёзма нусхалари адабиётшунос олим Х.Оқбўтаев томонидан махсус ўрганилган.<sup>23</sup> Саййид Муҳаммад Қилич Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухра” достони Т.Нишонбоева томонидан махсус ўрганилган<sup>24</sup> бўлиб, 1960 йилда олима мазкур асарнинг саккизта қўлёзмаси асосида тайёрланган йиғма нашрини чоп эттирган.<sup>25</sup>

Саёдийнинг “Тоҳир ва Зухра” достони ўзбек халқ ижодида афсона ва эртак сифатида кенг оммалашган анъанавий эпик сюжет асосида яратилган. Шоир ушбу сюжет халқ орасида жуда кенг тарқалганлигини ва унинг шеърӣй парчалари кўшиқ қилиб куйланишини алоҳида таъкидлайди:

Муни ҳеч билмаган йўқтур жаҳонда,  
Ки бу машҳур эрур ёзу-ёбонда.  
Қўшуб эртагини хўб соз этарлар,  
Йигитлар қичқириб оғоз этарлар (Сайёдий. – 159-б.).

“Тоҳир ва Зухра” достонидаги энг муҳим хусусият шундан иборатки, ундаги сюжет, конфликт, образлар, бадиий тасвир воситалар максимал даражада ҳаётийлаштирилган, халқ ҳаёти учун бағоят муҳим бўлган масалалар кўтарилган. Асарнинг сюжети, тузилиши ва бошқа жиҳатларида ҳам ёзма адабиёт анъаналарини кўриш мумкин.

Сайёдий яшаган даврда халқ достончилиги энг юксак даражага кўтарилган эди. Бу ҳол кўплаб унинг ижодига кучли таъсир кўрсатганлиги боис достоннинг анъанавий бошламаси, тугуни (фарзандсизлик мотиви) ва

<sup>21</sup> ЎзР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фонди. Инв.№383, 630, 1540, 4629, 4630, 4997, 9119, 9020, 9185, 14843.

<sup>22</sup> Ўзбекистон миллий университети Асосий кутубхонаси. Инв.№9091/724. “Тоҳир ва Зухра” достони қўлёзмаси (достон “Девони Ғиёсий” билан бирга муковаланган).

<sup>23</sup> Оқбўтаев Х. Идеино-художественные особенности узбекских народных книг: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Тошкент, 1973.

<sup>24</sup> Нишонбоева Т. Поэма Сайяди “Тоҳир и Зухра” (научно-критический текст): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Тошкент, 1965.

<sup>25</sup> Сайёдий. Тоҳир ва Зухра. – Тошкент, 1960. – 182 б.

унинг ечими билан боғлиқ лавҳалар тасвирида халқ дostonларига хос бадий ифода усулидан фойдаланган. Достонда:

Ки бу сўзларга шоҳнинг қаҳри келди,

Ачиғланди, йилондек заҳри келди! (Сайёдий. – 89-б.) – каби халқ ижоди услубига хос анъанавий мисралар кўп учрайди.

Шоир “Тоҳир ва Зухра” достонида мумтоз адабиётга хос маънавий ва лафзий санъатлар, жумладан, тазод, талмех, ташбеҳ, тақрир, муболаға каби бадий санъатларни кўллаш орқали персонажларнинг руҳий ҳолати кечинмалари, ички дунёси ва портретига хос чизгиларни юксак маҳорат билан ифодалашга эришган. Бадий санъатлар шоир поэтик нутқининг жозибадорлиги, таъсирчанлиги ҳамда бадий эстетик кўламдорлигини таъминлашга хизмат қилган.

Достонда сандикка солиб дарёга оқизилган Тоҳирни қушлар қутқариб олиши лавҳасининг тасвирида муболаға санъати кўлланилган. Чунки сувда оқиб бораётган сандикни икки қуш “талашиб, сувдан чиқариши” ва “зўрнинг кучидан” қирғоққа тортиб бориши тасвирида эпикбаённинг бўрттирилган ифодаси намоён бўлади:

Бу сандук эрди ёқутдин мурасса,

Бу Тоҳир эрди ичинда муламма.

Кўриб қушлар они уёдин учти,

Иккиси чағлашиб талоша тушди.

Чиқориб олдилар сувнинг ичиндин,

Уёға элтдилар зўрнинг кучиндин (Сайёдий. – 60-б.).

Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухра” достонини поэтик воситаларнинг кўлланилиши жиҳатидан таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, муайян эпик сюжетнинг халқ оғзаки ижоди ҳамда ёзма адабиётда ишланиши бадиият нуқтаи назаридан жиддий фарқ қилади. Достоннинг халқ бахшилари, хусусан, Раҳматулла Юсуф ўғли, Зоҳир Қўчқор ўғли вариантларида метафора, рамз, ўхшатиш, эпитет, бадий кўчим, поэтик тақрор кўп кўлланилгани ҳолда мазкур эпик сюжетнинг Сайёдий томонидан ишланган ёзма намунасида мумтоз адабиётга хос бадий санъатларнинг кўлланилиши анъанаси устуворлик қилади. Бу эса асарда кўлланилган арузнинг ўзига хос поэтик табиати билан бевосита алоқадордир.

“Тоҳир ва Зухра” достонининг Сайёдий томонидан яратилган намунаси халқ орасида кенг тарқалган эпик асарнинг мумтоз адабий анъана доирасида қайта ишланган ва шоирнинг поэтик иқтидори имкониятлари даражасида такомиллаштирилган, сайқаллаштирилган кўринишидир.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “**Тоҳир ва Зухра**” достони **кўлёмасининг Хоразм нусхаси**”ни ўрганишга бағишланган.

Хоразм воҳасида яшовчи халфалар репертуаридаги асарларнинг ўзига хос жиҳатлари ва жанри тўғрисида фикр юритган академик Т.Мирзаев “халфалар кўпроқ “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Ойдин”, “Ошиқ Албанд”, “Асилхон”, “Хурлиқо ва Ҳамро”, “Қумри”, “Қиссаи Зебо”, “Тулумбий”, “Завриё”, “Тоҳир ва Зухра” каби дostonларни қироат билан

ўқиган”ликларини қайд этган.<sup>26</sup> Зеро, ўтган асрнинг 30-йилларида Ҳ.Зарифов томонидан хивалик Хоним халфадан “Асли-Карам” достонининг тўлик матни билан бир қаторда “Тоҳир ва Зухра” достонининг бир парчаси ёзиб олинганлиги<sup>27</sup> ҳам шу фикр тўғрилигини кўрсатади. Профессор С.Рўзимбоевнинг ёзишича эса, бу асар “Онажон Собирова, Назира халфа Собирова сингари достончи-созанда халфалар бисотида ҳам мавжуд бўлган эса-да, асосан қироатхон халфалар томонидан мазкур асарнинг қўлёзма (ёки тошбосма) намунасидан ширали овозда ўқиб эшиттирилган...Хоразмлик бахшилар орасида эса 1928 йилда Шоббознинг Саркўп қишлоғида туғилган Аҳмад бахши Янгибоев репертуаридагина “Бозиргон”, “Ғариб ошиқ” достонлари билан бир қаторда “Тоҳир ва Зухра” достони ҳам бўлганлиги аниқланган. Хоразмлик бошқа бирор бахши бу достонни куйлаганлиги қайд этилмаган”<sup>28</sup>.

“Тоҳир ва Зухра” достони Хоразм вариантининг Ниёзжон халфа бисотидан олинган қўлёзма асосида тайёрланган матни 2011 йилда “Ошиқнома” туркумидаги 5-китобда нашр қилинди<sup>29</sup>. Бу вариант Тоҳир ва Зухранинг пок муҳаббати ҳақида ҳикоя қилувчи достоннинг бошқа ўзбек вариантлари ҳамда туркий версиялар билан сюжет қурилиши жиҳатидан муштаракликка эга. Аммо насрий баён талқинида қиссахонлик анъанасининг устуворлик қилиши ва шеърий парчаларнинг бадий жиҳатдан пухта ишланганлиги билан ўзига хослик касб этади.

Мазкур достон матни туркман шоири Муллонафаснинг “Zöhre-Tahyr” асарига жуда ўхшайди. Ҳар икки асарнинг сюжет қурилиши, мотивлар таркиби ва образлар силсиласи бир хил. Ниёзжон халфадан олинган қўлёзма нусхада насрий қисм биров қисқа, Муллонафас достонида эса насрий баён анча муфассал берилган. Муллонафас асаридаги шеърий парчалар “Тоҳир ва Зухра” достонининг Хоразм вариантыда ҳам деярли сақланган бўлса-да, ҳар икки намунанинг шеърий қисмида жиддий фарқлар кўзга ташланади. Муллонафаснинг “Zöhre-Tahyr” достонидаги айрим насрий ва шеърий парчалар хоразмлик халфаларнинг оммалашган эпик репертуарида мавжуд эмас. Достоннинг туркман версиясида Тоҳир елмоясини елдириб, Зухранинг боғда эканлигини сўраб билиб олгач, кўшкка бориши ва ухлаб ётган ёрини кўргандан кейинги ҳолати акс этирилган насрий парча ҳамда Зухрани уйғотиш мақсадида:

Hab ayledi dildarym, bu wagty-zowal üzre,  
Badam gabaklarydyr, tartyldy gazal üzre,  
Nazyrki bolup durdum, olkaddy nahal üzre,  
Naydyrki içi dolgan şeker üzre bal üzre,

<sup>26</sup> Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.12-13.

<sup>27</sup> ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№664.

<sup>28</sup> Рўзимбоев С. Хоразм достонларининг ижрочилари // Ошиқнома (Хоразм достонлари). – Урганч, 2009. – Б.326-354.

<sup>29</sup> “Тоҳир ва Зухра” (достон) // Ошиқнома: Хоразм достонлари. – Урганч: “Хоразм” нашриёти, 2011. – Б.3-140.

Ya rebki nuçik surat yatgay bu mysal üzre (“Zöhre-Tahyr”, 180-181-б.), банди билан бошланадиган 7 бандлик мухаммаси ўзбекча намунада тушириб қолдирилган.

Бундан ташқари, Тохирни сандикқа солиб дарёга оқизилиши лавҳаси билан боғлиқ “*Dostlar-a, bir dilberi jan-u jahanim bar meniñ*” (“Zöhre-Tahyr”, 39-40), “*Näzli yar, ey gülgüzar, çoh bikarar etdiñ meni*” (“Zöhre-Tahyr”, 51-52), “*Işk ile hem şowk ile gör kim, ne zaman, ey köñül*” (“Zöhre-Tahyr”, 60-61), “*Ey açylgan hurlar içre läleyi-gülzar, gel*” (“Zöhre-Tahyr”, 102-103-б.), “*Küllü älemni yaratgan, bir Huda senden medet*” (“Zöhre-Tahyr”, 156-157-б.), “*Dilber-ä, hijriñ bilen synamda gam kân oldy, gel*” (“Zöhre-Tahyr”, 248-249-б.) деб бошланувчи беш бандлик мухаммаслар, шунингдек, “*Kurban olam şirin-şeker sözüñe*” (“Zöhre-Tahyr”, 184-185-б) мисраси билан бошланувчи 6 бандлик шеърий парча, Моҳимнинг Тотор элидан келган карвонлардан Тохирни сўроқлаб айтган 8 бандлик мурожаати (“Zöhre-Tahyr”, 253-254-б.) ҳам хоразмлик халфалар ижро этган “Тоҳир ва Зухра” достонида мавжуд эмас.

“Тоҳир ва Зухра” достонининг шовотлик Ниёзжон халфа бисотидан олинган қўлёзма асосидаги нашрида Муллонафаснинг “Zöhre-Tahyr” достонида учрамайдиган иккита шеърий парча мавжуддир. Жумладан, севгилисини кутаётган Тохирнинг “қўллари хиноли, юзи гулоб сувли, холлари ўсмали, кўзлари сурмали, қулоқлари исирғали” Зухранинг “гулдек очилиб, бу ёлғончи дунёни гулистон этиб” келишидан завқланиб айтган:

Санго тушди назарим, севгили жонон, бари гал,  
Сочи мушк исли ипор сунбули райҳон бари гал,  
Гулбадан, гулгун ранги, тўни зарафшон бари гал,  
Ол яноқ, киприки олма занахдон бари гал,

Жонингга садқа бўлам, севгили жонон бари гал (“Ошиқнома”, 9), – банди билан бошланувчи етти бандлик мухаммаси “Zöhre-Tahyr” достонида мавжуд эмас.

Шунингдек, диссертацияда “Тоҳир ва Зухра” достонининг Хоразм варианты билан Муллонафаснинг “Zöhre-Tahyr” достонини қиёсий-матний таҳлил қилиш натижасида шеърий бандларни қайта кўчириш жараёнида таҳрир қилиниши ёки сўзларнинг ўрнига бошқа лексик бирликлар қўйилиши, шеърий бандлардаги мисраларнинг бошқаси билан алмаштирилиши, шеърий парчалардаги бандлар мисраларининг ўрин алмашиши, шеърий парчалардаги бандлар сонининг бир-бирига мувофиқ келмаслиги ва Муллонафаснинг “Zöhre-Tahyr” достонидаги шеърий парчанинг ўзбекча поэтик шакли ўзгартирилиши каби фарқли жиҳатлар кенг таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг учинчи фасли “**Достоннинг тўлиқ бўлмаган оғзаки намуналари ва парчалари**” деб аталган бўлиб, унда “Тоҳир ва Зухра” достонининг тугал бўлмаган вариантлари таҳлилга тортилган.

Достоннинг Муҳаррам Зоҳидовадан Чори Ҳамро ёзиб олган намунаси хажман жуда ихчам, яъни 340 насрий ва 266 назмий мисралардан ташкил топган бўлиб, унда эртак ижрочилигининг таъсири яққол сезилиб туради. Достон бошқа вариантлардан фарқли равишда халқ эртаклари композициясига хос зачин – “Аввал-аввал эканда, туя даллол эканда, тулки

баққол эканда, сичқон уйчи эканда, тўрғай куйчи эканда”<sup>30</sup> бошламаси билан бошланган.

Бошқа вариантлардан фарқли ўлароқ, бу намунада Зухранинг отасининг оти Бобохон бўлиб, вазирнинг исми айтилмайди. Деярли барча версия ва вариантларда мавжуд бўлган бефарзандлик мотиви ҳамда эпик қаҳрамонларнинг ғайриоддий дунёга келиши билан боғлиқ лавҳалар ҳам йўқ. Бу вариант талқинича ҳам подшонинг аёли қиз, вазирнинг хотини ўғил фарзанд кўради. Подшонинг қизига Зухра, вазирнинг ўғлига Тоҳир деб исм кўядилар. Подшонинг яна бир вазири ҳам бор бўлиб, унинг аёли ўғил туғади ва подшо қизи Зухрани ана шу вазирининг ўғли Қорамуч(қоратикан)га ёшлигидан аташтириб кўяди. Бошқа вариантлардаги каби бу асарда ҳам Тоҳирнинг отаси бандаликни бажо келтиргач, у подшонинг саройида Зухра билан бирга тарбияланади. Кейинчалик кўзаси синган кампирнинг маслаҳати билан Зухра ўзининг “чин қардоши” эмаслигини билиб олади.

Зухра карвонлар орқали ёридан дарак топиш учун бир туя юборади. Тоҳир ана шу туяга мингач, унинг ўзи қаҳрамонни ёрининг хузурига олиб келади. Тоҳир қатл этилгач, Зухра Қорамучни ўлдиради ва ўзини ҳам шахид қилади. Уларнинг ҳар учаловини ёнма-ён дафн этадилар, Қорамучнинг гўридан кўкарган тикан Тоҳир билан Зухранинг қабридан ўсиб чиққан гулларнинг бир-бирига чирмашишига йўл қўймаганини кўрган одамлар унинг мазорини бошқа жойга кўчирадилар.

“Тоҳир ва Зухра” достонининг Чори Ҳамро ёзиб олган вариантнинг шеърӣ қисмида Қашқадарё воҳаси халқ кўшиқчилиги анъаналарининг таъсири яққол сезилиб туради.

“Тоҳир ва Зухра” достонини қорақўллик Қумри момоТўевадан ёзиб олинган парчаси гарчи жуда кам бўлсада унда келтирилган шеърӣ мисралар достоннинг ўзбек фольклорида қайд қилинган бошқа вариантларида учрамаслиги ҳамда, Қорақўл воҳасига хос шева унсурларини ўзида акс эттирганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Маълумки, бу парча ёзиб олинган худуд – Қорақўл ва Олот туманларида туркман достончилиги анъаналарининг таъсири катта бўлган. Жумладан, Муллонафас томонидан яратилган “Тоҳир ва Зухра” достони Туркманистоннинг Чоржўй вилояти худудида яшаган туркман ва ўзбек бахшилари репертуарида ҳам мавжуд бўлган. Бу достон “Хурлиқо ва Ҳамро”, “Сайёдхон ва Ҳамро” сингари достонлар қатори ўзаро эпик алоқалар ва адабий таъсир натижасида қорақўллик бахшилар репертуарига ўтган бўлиши табиӣ, аммо юқорида келтирилган Қумри момо Тўевадан ёзиб олинган парча Муллонафаснинг “Тоҳир ва Зухра” достонида ҳам учрамайди.

Достоннинг ушбу тўлиқ бўлмаган намунасида Тоҳирни сандиққа солиб оқишишаётган пайтда онаси билан Тоҳир ўртасидаги қуйидаги айтишув келтирилади:

– Жоним, онам йиғла чироғинг ўчди,  
Орзилаб тутгансан қўлингдан учди,

<sup>30</sup>Тоҳир ва Зухра. Халқ оғзаки ижоди / Айтувчи: Мухаррам Зоҳидова. Ёзиб олувчи: Чори Ҳамро. – Қарши: Насаф, 1994. – Б.6-7.

Онажоним, ҳолинг золим-ла кечди,  
То кўрганча жоним онам, хўш энди.

– Азалда боракан қисмат ёзилди,  
Кўксимда доғлиман ҳижрон тузилди.  
Сани кўриб, болам, бағрим эзилди.  
Хазон қилмас деган умид узилди<sup>31</sup>.

Тоҳир билан онасининг хайрлашув лавҳасига оид воқеалар достоннинг ўзбек вариантларида ҳам, Муллонафаснинг «Зухра-Тоҳир» достонида ҳам учрамайди. Бу эса Қорақўл-Олот туманларида “Тоҳир ва Зухра” достонининг ўзига хос вариантларидан бири мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Диссертацияда, “Тоҳир ва Зухра” достонининг Ҳасан Норалиев ва Ойпара момо Мурод қизидан ёзиб олинган парчалари ҳам таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг “**Тоҳир ва Зухра**” достонининг **туркий версиялари**” деб аталган учинчи бобининг илк фасли “**Достоннинг қорлуқ-чигил версияси**” деб номланган.

Маълумки, Тоҳир ва Зухранинг муҳаббати ҳақидаги эпик сюжет ўзбек, туркман, озарбайжон, татар, бошқирд, уйғур, қрим-татар, турк, қозоқ ва бошқа туркий халқлар орасида афсона, эртақ, достон ва қисса тарзида тарқалган. Бу достон сюжетининг ўзига хос эпик талқинлари қорақалпоқ, гагауз, қўмиқ, даргин ва бошқа халқлар фольклорида ҳам мавжудлиги маълум. “Тоҳир ва Зухра” достонининг туркий халқлар фольклоридаги миллий версияларини уч типга бўлиб тасниф қилдик: 1) “Тоҳир ва Зухра” достонининг қорлуқ-чигил версияси; 2) “Тоҳир ва Зухра” достонининг қипчоқ версияси; 3) “Тоҳир ва Зухра” достонининг ўғуз версияси.

Достоннинг ўғуз версияси Ф.Туркмен, Г.Бурак, А.Мамметжумаев тарафидан ўрганилганлиги<sup>32</sup> сабабли биз туркман ва турк фольклоридаги “Тоҳир ва Зухра” достонларини таҳлилга тортмадик.

“Тоҳир ва Зухра” достонининг қорлуқ-чигил версиясини ўзбек ва уйғур фольклорида қайд қилинган намуналар ташкил этади. Достоннинг уйғур версиясини ёзиб олиш ва нашр этиш ишлари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган<sup>33</sup>. Н.Н.Пантусов Или водийси уйғурларидан “Тибиб падиша билэн Зухрахан” номли вариантини ёзиб олган бўлса<sup>34</sup>, Г.Рекетт “Тажир-Зухра” достонининг XIX асрда Қашқарда кўчирилган кўлёма нусхасини нашр этган<sup>35</sup>. “Қашқар варианты” номи билан юритиладиган бу вариант Б.Аршиддинов томонидан қайта нашр этилган<sup>36</sup>. Достон уйғур версиясининг “Хўтан варианты” Г.Ярринг томонидан варианты “Терэ вэ Зорэ” номи билан

<sup>31</sup> ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1495.

<sup>32</sup> Fikret Turkman. Tahir ile Zühre (inceleme-Metin). – Ankara, 1998; Gökbulut Burak. Tahir ile Zühre hikâyesi (Kıbrıs türk varyantı)’nin yapı bakımından incelenmesi // Turkish Studies. – Ankara, 2009. Vol. 4/3. – P.977-990; Mämmetcumayev A. Zühre ile Tahir süjesine göre türkmen edebiyatındaki masallar, rivayetler, halk destanları // Gazi Türkiyat . – Ankara, 2010. – Bahar, 2010 / Sayı 6. – s.385-400.

<sup>33</sup> Радлов В.В. Образцы народной литературы северных тюркских племен. Т. VI. – Спб., 1886. – С.236-247.

<sup>34</sup> Пантусов Н.Н. Образцы таранчинской народной литературы. – Казань, 1909. – С.30-48.

<sup>35</sup> Raguctte G. Taji bila Zohra. Eine osttürkische variante der sage van. Tahir und Zohra. – Lund-Leipzig, 1930.

<sup>36</sup> Уйғур фольклорининг антологияси. – Алмута: Наука, 1988. – Б.112-140.

чоп этилган<sup>37</sup>. “Тоҳир ва Зухра” достонининг уйғур версияси Турк дили куруми томонидан чоп этилган “Уйғур халқ достонлари”нинг биринчи жилдига ҳам киритилган<sup>38</sup>.

Достоннинг уйғур версиясига мансуб вариантлар орасида “Қашқар варианты” ўзининг мукамаллиги ва бадий жихатдан пишиқлиги билан алоҳида ажралиб туради. Уйғур версиясининг ўзига хослиги шундаки, унда эпик қаҳрамонлар – Тайи падшаҳ ва Зухраханнинг оталари подшо билан вазир деб эмас, балки икки юрт подшоси сифатида талқин қилинган. Уларнинг исмлари Акхан ва Қарахан деб номланишида эса туркий халқларнинг “оқ” ва “қора” ранг тимсоллари билан боғлиқ мифопоэтик тасавурлари ўз ифодасини топган.

Бу версияда Тайи падшаҳнинг сандиққа солиб дарёга оқизилиши Зухрахан образи билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Бу аслида Қарабатурнинг чақуви туфайли отаси Қарахан томонидан ўлимга ҳукм этилган Тайи падшаҳнинг жонини омон қолдириш учун ўйланган бир тадбир эди. Чунки отасининг мудҳиш фармонидан хабар топган Зухрахан ўрдага етиб келади ва дарвозанинг олдида ўсиб турган бир жуфт теракка кўзи тушиб:

*Бу терәк узун терәк,  
Тубидан кәсмәк керәк,  
Тубидан кесиб елиб,*

*Сандуқ чәптурмақ керәк,* - дейди<sup>39</sup>. Шундай қилиб, Зухрахан сандиқнинг ичини одамга керак бўладиган ҳамма нарсалар билан тўлдиргач, Тайи падшаҳни сандиққа солиб дарёга оқизадилар.

“Тоҳир ва Зухра” достонининг “Қашқар варианты”да эпик сюжетнинг муҳим структурал-семантик моделларидан бири – анъанавий “учлик мезони” қўлланилган. Тайи падшаҳнинг Рум подшоси томонидан синаб кўриш мақсадида уч шарт қўйиши эпик қаҳрамоннинг уддабуронлиги, топқирлиги ва жасурлигини аниқлаш вазифасини бажарган.

Достон сюжетининг финал қисми оригинал тарзда яқунланганлиги уйғур версиясининг ўзига хослигини кўрсатувчи муҳим элементлардан биридир. Унда тасвирланишича, Зухрахан ўзи билан бирга келган қизлар инжумаржонларни териш билан андармон бўлиб қолганида Тайи падшаҳнинг мозори устига қурилган гумбазга киради ва қабр очилиб, қиз тириклайин гўр ичига кириб ғойиб бўлади. Мазкур сюжетнинг ўзбек фольклоридаги эртак сифатида оммалашган бир намунасида ҳам гўрнинг сирли равишда очилиши лавҳаси бор: Зухра сочган тиллаларни қизлар териш билан овора бўлаётган пайтда у Тоҳирнинг қабри олдида келади ва ўзига пичоқ уриб: “Очил гўр!” – дейди. Гўр очилади ва Зухра ўзини Тоҳирнинг кучоғига отади. Гўр ёпилиб, Зухрани бағрига олгандагина қизлар етиб келадилар ва маликанинг калиши билан қонли пичоқни кўришади, холос<sup>40</sup>.

<sup>37</sup> Jarring G. Materials to the Knowledge of Eastern turki. – London, 1946. – P.3-34.

<sup>38</sup> Tahir-Zohra // Uygyr halk destanlari.I. Turkiye turkçesine aktaran ve hazirlayan Alimcan Inayet. – Ankara, 2004. – S.235-259.

<sup>39</sup> Уйғур фольклорининг антологияси. – Алмута: Наука, 1988. – Б.119-120.

<sup>40</sup> ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№5430.

Зуҳрахан образининг уйғур халқ эпосидаги бу тарздаги талқини Ўрта Осиё халқлари фольклоридаги тириклайин ғойиб бўлган мифологик персонажларга яқин туради. Ғайритабий равишда ғойиб бўлган ёки тириклайин ер ости, ғор, қудуқ ва бошқа жойларга кириб кетган мифологик персонажлар билан боғлиқ халқ қарашларини ўрганган В.Н.Басиловнинг ёзишича, бу мотив “ўлганидан кейин ғайриоддий равишда қайта тирилувчи тангрилар култи” ҳақидаги мифик тасаввурлар асосида келиб чиққан<sup>41</sup>. Бизнингча “Таһир-Зоһра” номли уйғур халқ достонида Тайи падшаҳ дафн этилган гумбазнинг мўъжиза туфайли очилиши ва унга Зуҳраханнинг кириб ғойиб бўлиши мотиви замирида аждодлар култига эътиқод қилиш билан алоқадор анимистик тасаввурлар ётади.

Достоннинг “Қашқар варианты”да қўлланилган шеърини парчаларнинг аксарияти достон сюжетининг ўзбеклар орасида тарқалган эртақ вариантлари матнидаги шеърларга ўхшашлиги уларнинг тарихий-генетик асослари муштараклигини кўрсатади. Сандиққа солиб дарёга ташланган Тайи падшаҳ билан қирғоқда югуриб бораётган Зуҳраханнинг ўзаро айтишуви лавҳасида қўлланилган:

*Су келур гулдур-гулдур,*

*Сөйгәним қизил гулдур,*

*Айрилғали уч кундур,*

*Чирайим сариг гулдир*<sup>42</sup>, - мисралари Самарқанд вилоятининг

Хатирчи туманидаги Буғирдоқ қишлоғида яшовчи 65 яшар Муҳаммад Норовдан ёзиб олинган “Тоҳир ва Зухра” эртагидаги:

*Сув келар гулдур-гулдур,*

*Суйганим қизил гулдур,*

*Суйганимга бермаса,*

*Ўлганим ўша кундир*,<sup>43</sup> - шеърини банди билан муштараклик

касб этган.

“Қашқар варианты” ўзининг мазмуни, сюжет қурилиши ва мотивлар таркибига кўра ЎзР ФА Шарқшунослик институти Кўлёмалар фондида сақланаётган 5520-рақами остида сақланадиган “Тоҳир ва Зухра” достонига ўхшаб кетади. Бу эса достоннинг уйғур версиясига мансуб “Қашқар варианты” ўзбек қиссахонлиги таъсирида шаклланганлигини кўрсатади.

Учинчи бобнинг иккинчи фаслида “**Достонининг қипчоқ версиялари**” тадқиқ этилган. Анъанавий эпик сюжетнинг тадрижий ривожини натижасида “Тоҳир ва Зухра” достонининг қипчоқ версиясини ташкил этувчи татар, бошқирд, қирим-татар, қозок, қорачой-болқар фольклоридаги ўзига хос вариантлар шаклланган.

Татар фольклорида “Тоҳир ва Зухра” достоннинг дастлабки намунаси В.В.Радлов томонидан 1860 йилда Тоболь татарларидан ёзиб олинган<sup>44</sup>.

<sup>41</sup> Басилов В.Н. Следы культа умирающего и воскресающего божества в христианской и мусульманской агиологии // Фольклор и историческая этнография. – М., 1983. – С.145.

<sup>42</sup> “Уйғур фольклорининг антологияси”. – Б.122.

<sup>43</sup> ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№5430. – Б.18.

Татар адабиётида Сайёдий анъанасини давом эттирган Аҳмад Муҳаммадзариф ўғли Қурмаший “Қиссаи Тоҳир ила Зухра” асарини яратган<sup>45</sup>. “Тоҳир ва Зухра” достонининг татар версиясининг ўзига хос хусусиятлари, унинг ўзига хос сюжет қурилиши, образлар таркиби ва бадиий тили Р.Исломов, Г.Б.Шамарова, Л.Х.Мухамедзянова тарафидан ўрганилган<sup>46</sup>.

Достоннинг татар фольклоридаги оғзаки вариантлари орасида энг мукаммали таниқли турколог олим В.В.Радлов тарафидан Сибирь татарларидан, аниқроғи Тоболь ўлкасининг Саускан овулидан 1872 йилда ёзиб олинган “Тајыр мінән ва Сәүрә” деб аталган намуна ҳисобланади<sup>47</sup>. Сюжет қурилишидаги асосий воқеа-ҳодисаларнинг эпик талқини мазкур достоннинг бошқа туркий халқлар фольклоридаги версияларига ўхшаб кетиши билан характерланадиган бу асар анъанавий ов мотиви билан бошланади. Достон хотимасида Тоҳирнинг қабридан ўсиб чиққан терак билан Сауранинг мазоридан кўкарган теракнинг учи чирмашиб кетиб, устида лайлак билан булбул нағма қилиб туриши, икки ошиқ эса бу ажойиб кушлар ёнида парвона эканлиги, сал наридаги гўр ёнида кўкарган тиканакли дарахт устида эса Қора ботир қарға-қузғунлар билан сўзлашиб турганлиги баён этилган.

“Тајыр мінән ва Сәүрә” достонининг сюжети кўп жиҳатдан ўзбеклар орасида оммалашган “Тоҳир ва Зухра” достонига ўхшаб кетиши эса назаримизда, XVIII-XIX асрларда тижорат ишлари билан Тобольск ўлкасига бориб ўрнашиб қолган ва кейинчалик “Сибирь ўзбеклари” номини олган юртдошларимиз тарафидан олиб борилган эпик сюжетларнинг оммалашishi билан боғлиқлигини кўрсатади.

Достоннинг қрим-татар версияси “Таирнен Зоре”ни ушбу эпик сюжет асосида яратилган ўзбек халқ достонларига қиёслаш шуни кўрсатдики, ҳар икки намунада ҳам воқеалар тафсилоти подшо билан вазирнинг бефарзандлиги тасвири билан бошланади. Достоннинг Раҳматулла Юсуф ўғли ижросидаги ўзбек вариантыда Қорахон билан Сарихоннинг бефарзандлиги илоҳий кучларнинг каромати билан боғлаб тасвирланади. Улар овга чиқиб, тоғларда олқор-кийик овлаб юриб, фарзандлик бўлишни ният қиладилар ва шунда уларнинг олдига чопар келиб, аёлларининг қўзи ёриганлигини хабар беради. “Тоҳир ва Зухра” достонининг Зоҳир шоир Қўчқор ўғли репертуарида қайд этилган ўзбек варианты билан 1935 йилда Бекмамбет Каулмамбетов ва 1973 йилда Фотима Ибрагимовадан ёзиб олинган “Таирнен Зоре” деб аталган қрим-татар версияси эпик қаҳрамоннинг

---

<sup>44</sup> Образцы народной литературы тюркских племен, живущих в Южной Сибири и Джунгарской степи, собраны В. В. Радловым. – СПб., 1872. – Ч. IV. Наречия барабинцев, тарских, тобольских и тюменских татар. – С. 274-286.

<sup>45</sup> Татар халык ижабы. Дастаннар. – Казан: Татарстан китап нәшрияты, 1984. – Б.371.

<sup>46</sup> Исламов Р. Еще об одном варианте дастана «Тахир и Зухра» // Гасырлар авазы - Эхо веков. – Казан, 2005. – №2. – С.193-204; Шамарова Г.Б. Язык дастанов А.Уразаева-Курмаши «Кисса-и Буз Джигит» и «Кисса-и Тахир-Зухра: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Казан, 2007; Мухамедзянова Л. Х. Татарский эпос: книжные дастаны. – Казань: ИЯЛИ им. Г.Ибрагимова АН РТ, 2014. – 380 с.

<sup>47</sup> Радлов В.В. Образцы народной литературы тюркских племен, живущих в Южной Сибири и Джунгарской степи. Ч.IV. Наречие барабинских, татарских, тобольских и тюменских татар. – СПб., 1872. – С.274-286.

ғайритабий туғилиши мотиви ғаройиб чол берган сеҳрли “олма”дан ҳомила ҳосил бўлиши билан боғлиқ ҳолда талқин қилиниши жиҳатидан муштараклик касб этади.

Раҳматулла Юсуф ўғли талқинича, Тоҳир соққа ўйнаб юрганида соққаси бир кампирнинг чархига тегиб синдиради. Шунда кампир “Ошиқ ўйнагунча дилдорингдан хабар олмайсанми?” дейди. Тоҳир дилдори ким эканлигини сўраганида кампир унга ўзига аташтирилган қизкимлигини қандай билиш сирини ўргатади. Кампирнинг маслаҳати билан иш кўрган Тоҳир онасининг олдига боради ва қовурмоч баҳонасида онасининг қўлини иссиқ қовурмочга босиб туриб, ўзига унаштирилган қиз Зухра эканлигини билиб олади. Достоннинг крим-татар версиясида эса бу мотив учрамайди. Кампир образи эса асосий персонажларга қарама-қарши турувчи антогонист сифатида талқин қилинган. Крим-татар фольклорида қайд этилган ҳар икки вариантда ҳам “кьурткья”, яъни кампир образининг асосий эпик функцияси Тоҳир билан Зухрани бир-биридан ажратиш орқали ошиқларнинг висолга етишишига қаршилик кўрсатишдан иборатдир.

Ўзбек версиясидан фарқли ўлароқ, достоннинг крим-татар версиясида Тоҳирнинг сандиққа солиб сувга оқизилиши мотиви ҳам мавжуд эмас. Жодугар “кьурткья”нинг иғвоси ва найрангларига учган подшо Таирни Мердем шахрига кетишга мажбур қилади ва ошиқ у ерга ўзи кетади. Зеро, эпик қаҳрамоннинг сандиққа солиб дарёга ташланиши мотиви достоннинг кўплаб версияларида мавжуд бўлиб, мазкур эпик сюжетнинг асосий мотивларидан бири ҳисобланади. Бу мотивнинг крим-татар фольклоридаги “Таирнен Зоре” достони вариантларида учрамаслиги эпик сюжетнинг бу миллий талқини кучли трансформацияга учраганлигидан далолат беради.

“Тоҳир ва Зухра” ҳамда “Таирнен Зоре” достонларининг образлар тизимида ҳам фарқли хусусиятлар мавжуд. Достоннинг ўзбек версиясида эпик қаҳрамонларнинг оталари – подшо билан вазир Қорахон ҳамда Сарихон деб аталгани ҳолда крим-татар версиясида уларнинг исми айтилмайди. Ўзбек достонидаги мулла Ҳаққул, Рустамхон подшо, Гулхадича, Тоҳирнинг холаси образлари мазкур асарнинг крим-татар фольклорида оммалашган версиясида учрамайди. “Таирнен Зоре” достони эса Зоренинг олтин соққаси билан мактубини Тоҳирга олиб бориб берган Таз огълан образи ўзбекча версияда қайд этилмаганлиги билан ўзига хосликка эга.

Достоннинг қозоқ версияси “Қисса Таһир-Зуһра”нинг икки намунаси мавжуд бўлиб, улардан бири Қозонда етти марта чоп этилган насрий матндан иборат нусха бўлса, иккинчиси XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида қозоқ қиссахони Ақилбек Сабал ўғли томонидан шеърӣ йўсинда қайта ишланган намунадир<sup>48</sup>. “Қисса Таһир-Зуһра”нинг Ақилбек Сабал ўғли варианты бадий жиҳатдан анча мукамал ва анъанавӣ сюжет узвларини

---

<sup>48</sup> Алмыспаева Қ. “Қисса Таһир-Зуһра” // Бабалар сөзи: жуз томдық. Т.19 (ғашықтық дастандар). – Астана: Фолиант, 2005. – Б.285.

тўла акс эттирганлиги туфайли қозоқ фольклорининг “Боболар сўзи” номи билан чоп этилган 100 томлигининг 19-жилдига киритилган<sup>49</sup>.

Қозоқ версияси талқинича, бефарзанд подшо ўзининг вазири билан бозор айланиб юрганида бир дарвешни учратишади. Дарвеш:

Ғайыпты Таңирим баян қилады екен,

Көңіліңіз қуанышқа толады екен.

Патша, сенинг қиз балаң болуп,

Уазирдің ер баласы болады екен<sup>50</sup>, – дейди-да, қўйнидан бир олма чиқариб, ярмини подшо, ярмини вазир ейиши лозимлигини, туғилган қиз болага Зўхра, ўғил болага эса Таһир деб исм қўйишни айтади.

Эпик қаҳрамоннинг ғайриоддий туғилиши мотивининг дарвеш ёки ғаройиб чол тарафидан ҳадя этилган мўъжизакор олма билан боғлиқ талқини аждодлар руҳининг ҳомийлиги (анимистик) ва ўсимлик ёки унинг мевасини ейиш орқали ҳомила топиш (тотемистик) билан алоқадор тасаввурларга боғлиқдир. Бу мотивнинг олма билан боғлиқ ифодаси туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек фольклоридаги кўпгина эртак ва достонларда учрайди. Аммо унинг “Қисса Таһир-Зўхра” номи билан қозоқ фольклорида қайд этилган версиясининг экспозициясидаги ўзига хос талқинида сеҳрли эртакларга хос ғаройиб ҳомий образи (қаҳрамон бозорда номаълум чолдан минг тангага у ёки бу жониворни сотиб олиши, минг танга эвазига бирор ҳикматга эга бўлиши каби), ҳар бир кишининг ҳаёти давомида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар унинг “тақдир битиги”да азалдан ёзилиши, яъни “оллоҳнинг лавҳу қалами” тўғрисидаги исломий эътиқодлар, ҳомий-персонаж томонидан ҳадя этилган ғаройиб неъматни истеймол қилиш орқали ҳомила юзага келиши ҳамда исм қўйиш жараёнида қаҳрамонларнинг тақдири аввалдан башорат қилиниши мотивларининг контаминацияси кузатилади.

“Тоҳир ва Зўхра” достонининг қозоқ версияси “Қисса Таһир-Зўхра”да қаҳрамон ўзи кўрган тушни айтиб берганида Зўхра унинг таъбирини баён қилиб, Тоҳирни бошига мушкул ишлар тушишидан огоҳлантиради. Бу тушнинг достон сюжет қурилишидаги бадий функцияси Тоҳирнинг ҳаётида келгусида рўй беражак воқеа-ҳодисалар ҳақида хабар беришдан иборат бўлиб, “қоп-қора эркак ит” подшонинг фосиқ қули Ғарабнинг тимсолидир.

Бошқа туркий версиялардаги каби қозоқ достонида ҳам Тоҳирнинг Зўхра билан кўришиб юрганлигини Ғараб орқали эшитган подшо уни тутиб олиб ўлдирмоқчи бўлади. Аммо халойиқ Тоҳирнинг жонини омон қолдиришни сўрагани учун бир сандиққа солдириб, Шат дарёсига оқизади. Уни дарёдан қутқарган опа-сингиллар қайси бири бу йигитни олиши борасида баҳслашиб туришганида Тоҳир таҳорат олиш баҳонасида ўзини дарёга ташлайди. Дарёнинг чуқур жойида ғарқ бўлаёзганида чин дилдан пирларга сиғинади ва шу ондаёқ қора от минган Хизр пайдо бўлиб, Тоҳирни қутқаради ва Зўхранинг ҳузурига олиб боради. Бошқа версияларнинг хотимасида бўлгани

<sup>49</sup> “Қисса Таһир-Зўхра” // Бабалар сөзи: жуз томдық. Т.19 (ғашықтық дастандар). – Астана: Фолиант, 2005. – Б.162-256.

<sup>50</sup> Бабалар сөзи: жуз томдық. Т.19. – Б.166.

сингари, бу дostonда ҳам Тохир ва Зухра бир-бирининг васлига етолмай, армон билан вафот этадилар.

Достоннинг қипчоқ версияларига хос муштараклик XIX – XX аср бошларида Қозон шаҳридаги босмаҳоналарда “Тохир ва Зухра” китобий достонининг татар, қозоқ ва бошқа тилларда кўп бора чоп этилганлиги ҳамда қиссаҳонлар репертуарида кенг оммалашганлиги билан белгиланади. Ана шу нашрлар таъсирида мазкур достоннинг бошқирд, татар фольклоридаги оғзаки версияларида ҳам бир-бирига ўхшаш мотивлар юзага келган.

Диссертацияда шунингдек, “Тохир ва Зухра” достонининг қорачой-болқар ва бошқирд версиялари ҳам қиёсий таҳлилга тортилган.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1) “Тохир ва Зухра” достони китобий эпоснинг ишқий-саргузашт типига мансуб эпик асарлардан бири бўлиб, унинг яратилиш даври XVII-XIX асрларни ўз ичига олади. Достон асосан жонли оғзаки ижро ҳамда қўлёзма ёки тошбосма нусха орқали оммалашган бўлиб, унинг оғзаки вариантлари Ислom шоир Назар ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Зоҳир шоир Қўчқор ўғли, Қора бахши Умировдан ёзиб олинган. Бу вариантлар анъанавий сюжетни ўзига хос тарзда бадий талқин қилиши, образлар тизими ва эпик мотивларнинг оригиналлиги, бахши мансуб бўлган достончилик мактаби ижодий услубининг дostonда акс этиши билан ўзига хослик касб этади;

2) Достоннинг Ислom шоир Назар ўғли варианты Муллонафаснинг “Зухра-Тохир” достони билан айнан ўхшашдир. Достон матнида Ислom шоирнинг ижодий ўзига хослиги ва бадиҳагўйлиги таъсирида киритилган айрим шеърӣ парчалар, бадий жиҳатдан қайта ишланган мисралар ва насрий қисмлар кўп учрайди. Бу асарнинг бахши репертуарига кириб қолиши унинг туркман бахшилари билан қилган мулоқотларига боғлиқдир. Достоннинг Зоҳир шоир Қўчқор ўғли варианты ўзининг сюжет қурилиши, мазмуни, воқеалар баёнининг оригиналлиги, ҳажман анча катталиги ва шеърӣ қисмининг бадий жиҳатдан анча пишиқлиги билан ажралиб туради. Бахши дoston сюжетини қаландар берган ғаройиб олма воситасида хомиладор бўлиш, қаҳрамоннинг Куютир саҳросига бадарға қилиниши, Тохирнинг Гўшайи товусонда яшовчи Қиронхон билан биродарлашуви, турналар орқали севган ёрига хабар юбориш, Қоработирнинг кўпкарида ҳалок бўлиши, Тохирнинг Зухрага уйланиб, юртга подшо бўлиши каби сюжет элементлари билан бойитган;

3) Достоннинг Раҳматулла Юсуф ўғли вариантыда анъанавий эпик сюжетни қиссаҳонлик услубида бадий талқин қилинган. Қиссаҳон-бахши қаҳрамонларнинг ғайритабий туғилиши, ўлиб қайта тирилиш, ўзга оламга сафар каби сеҳрли эртак мотивларидан самарали фойдаланган. Достон сюжетининг тугалланмаси билан боғлиқ эпик мотивлар талқинида бахшининг ижодий ўзига хослиги акс этган. “Тохир ва Зухра” достонининг Қора бахши Умиров вариантыда воқеалар баёни Жанубий Ўзбекистон дostonчилиги анъаналари услубида бадий ифода этилган. Бу вариант халқ

достонлари нашрининг бахшилар эпик ижодиёти такомилли ва эпик репертуарнинг бойиб боришига самарали таъсир кўрсатишининг ёрқин намунасидир. Достондаги эпик ҳомий образининг тотемистик ва антропоморф типга бўлинади;

4) Саъдийнинг “Тоҳир ва Зухра” достони халқ ижодида афсона ва эртак сифатида кенг оммалашган анъанавий эпик сюжет асосида оғзаки ва ёзма адабиётнинг ўзига хос синтези сифатида яратилган бўлиб, ҳар иккала адабий анъанани ўзида мужассамлаштирган. Фольклор сюжети асосида яратилган бу асар достон поэтик қурилиши ҳамда бадий тасвир воситаларига кўра фарқ қилади. Достоннинг оғзаки вариантларида метафора, рамз, ўхшатиш, эпитет, бадий кўчим, поэтик такрор кўп қўлланилгани ҳолда Сайёдий достонида мумтоз адабиётга хос тазод, талмеҳ, ташбеҳ, такрир, муболаға воситасида поэтик матннинг жозибадорлиги ва таъсирчанлиги оширилган;

5) “Тоҳир ва Зухра” достонининг хоразмлик қироатхон халфалар орасида оммалашган қўлёзма нусхаси Муллонафаснинг “Zöhre-Tahyr” асари қўлёзмаси ўғуз тип шевада сўзлашувчи аҳоли орасида кенг ёйилиши натижасида юзага келган. Даставвал бу асарнинг туркман тилидаги аслияти қўлёзма ҳолида ёйилган бўлиб, котиблар тарафидан қайта кўчирилиши жараёнида унинг ўзбек тилидаги нусхалари шаклланиган. Матний қайта ишланиш, бадий жиҳатдан сайқалланиш, айрим шеърий парчаларнинг тушириб қолдирилиши ва ёки аксинча, баъзи янги шеърий бандларнинг қўшилиши натижасида достоннинг ўзбек тилидаги нусхалари аслиятдан анча узоклашиб, алоҳида вариант ҳолига келиб қолган;

6) “Тоҳир ва Зухра” достонининг бахшилар эпик репертуарида қайд этилган тўла вариантлари билан бир қаторда ўзбеклар истиқомат қиладиган турли ҳудудлардан унинг парчалар ҳолидаги намуналари, жумладан, хивалик Хоним халфа, қашқадарёлик Муҳаррам Зоҳидова, қорақўллик Қумри момо Тўева, олотлик Ойпара Мурод қизи ва чимкентлик Ҳасан Норалиевдан ёзиб олинган турли ҳажмдаги парчалар ҳолидаги нотугал намуналари ҳам мавжуддир. Достоннинг тўлиқ бўлмаган бу намуналари достоннинг тарқалиш доираси ва оммалашуви қамровини аниқлаш, шунингдек, эпик сюжет талқинидаги ареал хусусиятларни кўрсатиш ҳамда тўла ҳолда етиб келмаган у ёки бу вариантни реконструкция қилишда муҳим илмий аҳамият касб этади. Жумладан, достонининг Қумри момо Тўевадан ёзиб олинган парчаси ушбу ҳудудда “Тоҳир ва Зухра” достонининг ўзига хос варианты мавжуд бўлганлигидан далолат беради;

7) Туркий халқлар китобий эпосининг муштарак намунаси ҳисобланган “Тоҳир ва Зухра” достони ўзбек, туркман, озарбайжон, татар, бошқирд, уйғур, крим-татар, турк, қозоқ, қорақалпоқ, гагауз, қўмиқ ва бошқа халқлар фольклорида мавжудлиги аниқланди. Ишқий-саргузашт характеридаги ушбу сюжет асосида яратилган достонлар уч типга бўлиб тасниф қилинди: а) корлуқ-чигил версияси; б) кипчоқ версияси; в) ўғуз версияси.

8) Достоннинг уйғур версияси “Таһир-Зухра” достонининг тўрт вариантини ўз ичига олган бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳажми, мотивлар таркиби ва бадий хусусиятларига кўра ўзаро фарқланиб туради. Мавжуд

вариантлар орасида немис олими Г.Рекетт томонидан 1930 йилда нашр этилган “Таһир-Зуҳра” достони, яъни “Қашқар варианты” энг мукамал ва тўла намуна ҳисобланади. Бу вариантнинг ўзига хослиги эпик қаҳрамонлар – Тайи падшаҳ ҳамда Зуҳраханнинг оталари бошқа туркий версиялардаги каби подшо билан вазир деб эмас, балки икки юрт подшоси сифатида тасвирланганлиги, уларнинг исмлари (Ақхан ва Қарахан) туркий халқларнинг “оқ” ва “қора” ранг тимсоллари билан боғлиқ мифопоэтик тасаввурларини ўзида ифодалаганлиги, юртига қайтган қаҳрамон сувга чиққан канизакнинг кўзасига узугини ташлаб ўзининг келганлигини билдириши каби оригинал мотивлар талқини ҳамда эпик сюжетнинг тугалланма қисми ўлиб-тирилувчи табиат культлари ҳақидаги мифик қарашларни ўзида акс эттириши билан белгиланади.

9) Тохир билан Зуҳранинг оташин муҳаббати ҳақидаги дoston сюжетининг татар, бошқирд, қрим-татар, қорачой-болқар ва қозок версияларининг юзага келишига Сайёдийнинг Вольга бўйида яшовчи бошқа туркий халқлар орасида “Достони Бобоҳон” номи билан кенг тарқалган асари асос бўлган бўлса-да, халқ ижодидаги оғзаки эпик аънананинг ҳам таъсири кучли бўлган. Мазкур сюжетнинг туркий халқлар эпик аънасидаги тарқалиш доираси, ишланиш даражаси ва бадиий талқини бир хил бўлмай, айрим халқлар (масалан, бошқирд фольклорида) “Тохир ва Зуҳра” достони мукамал китобий эпос даражасига кўтарила олмаган ва эртак шаклида ижро этиб келинган;

10) “Тохир ва Зуҳра” достонининг ўзбек ва қрим-татар халқлари оғзаки бадиий ижодида қайд этилган намуналари мазкур эпик сюжетнинг тарихий-тадрижий ривожини натижасида икки халқ миллий фольклор аънасалари доирасида юзага келган алоҳида мустақил версиялари ҳисобланади. Бу версиялар сюжети ягона эпик ячейка атрофида бирлашиши ҳамда асосий персонажлар ва воқеалар талқинидаги муштаракликка кўра умумий жиҳатларга эга бўлса-да, ҳар бири алоҳида версия сифатида ажралиб турадиган белгиларга ҳам эга. Бу версиялар дostonларнинг тили, образлар силсиласи, етакчи мотивлар талқини, ҳажми, шеърини парчалардаги бандлар нисбати ва бадиийлик даражасига кўра бир-биридан фарқланиб туради.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ DSc.30.08.2018.Fil.46.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА,  
ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА**

**КОКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**МАМАТКУЛОВА ФЕРУЗА ТОХИРОВНА**

**СОПОСТАВИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ТЮРКСКИХ ВЕРСИЙ  
ДАСТАНА “ТАХИР И ЗУХРА”**

**10.00.08 – Фольклористика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

**УЎК: 821 512 1:398.2:В2.091(043.3)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Маматқулова Феруза Тохировна**

“Тоҳир ва Зухра” достони туркий версияларининг қиёсий таҳлили....

**Маматқулова Феруза Тохировна**

Сопоставительный анализ тюркских версий поэмы “Тахир и Зухра”.....

**Mamatqulova Feruza Toxirovna**

Comparative analysis of Turkic versions of the poem “Tahir and Zuhra”.....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ DSc.30.08.2018.Fil.46.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА,  
ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА  
КОКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**МАМАТКУЛОВА ФЕРУЗА ТОХИРОВНА**

**СОПОСТАВИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ТЮРКСКИХ ВЕРСИЙ  
ДАСТАНА “ТАХИР И ЗУХРА”**

**10.00.08 – Фольклористика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

## Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № В2018.3.PhD/Fil491.

Диссертация выполнена в Кокандском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице [www.tai.uz](http://www.tai.uz), а также на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» [ziyonet.uz](http://ziyonet.uz).

**Научный руководитель:** **Джураев Маматкул**  
заслуженный деятель культуры  
Республики Узбекистан, доктор  
филологических наук

**Официальные  
оппоненты:** **Эшонкулов Жоппар Салиевич**  
доктор филологических наук

**Ведущая организация:** **Андижанский государственный  
университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_\_ часов на \_\_\_\_ заседании Ученого совета DSc.30.08.2018.Fil.46.02 по присуждению ученых степеней при институте Узбекского языка, литературы и фольклора АН Республики Узбекистан. (Адрес: 100060, Ташкент, Шахрисабзский переулок, 5.Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net)

С диссертацией можно ознакомиться в Главной библиотеке АН Республики Узбекистан (зарегистрирована под номером \_\_\_\_ ). Адрес: 100100, Ташкент, улица Зиёлилар, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестровый протокол под номером \_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Т.М.Мирзаев**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.ф.н., академик

**Л.Худайкулова**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.ф.н.

**Ш.Турдимов**  
Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней,

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность темы.** Появление в современной мировой фольклористике новых научных концепций, имеющих отношение к формированию эпической традиции, ее эволюционного развития и места, занимаемого в истории художественного мышления, явилось основой для дальнейшего совершенствования теории эпоса. В результате появилась возможность подтверждения с научной точки зрения того обстоятельства, что эпическое мышление тюркских народов, в частности, генетические основы узбекского эпического сюжета имеют непосредственное отношение к мифологии и архаическому эпосу древнейших представителей этносов, относящихся к алтайской языковой семье. Следовательно, сопоставительный анализ узбекских вариантов книжных дастанов, практически еще не изучавшихся в фольклористике, с их тюркскими версиями, определение их своеобразных национальных трактовок, а также раскрытие историко-генетических основ традиционных сюжетов служит для освещения эволюции мышления.

В настоящее время в мировом эпосоведении доминируют концепции, которые связывают возникновение эпической традиции с мифологическим эпосом, а также трактуют формирование эпической поэзии в качестве синтеза древнейшей шаманской поэзии. На основе указанных теоретических воззрений осуществляется целенаправленная работа в аспекте создания корпуса национальных этнопоэтических констант эпоса народов мира посредством систематизации и системного анализа художественных текстов, имеющих отношение к эпическому творчеству. Ибо, создание национальных фондов крупнейших эпосов, сыгравших важную роль в развитии художественного мышления, служит для определения своеобразных факторов эпического мышления каждого народа, а также для более обстоятельного понимания сущности эпического творчества бахши.

В новом Узбекистане, который развивается на основе идеи “От национального возрождения к национальному величию”, особое внимание уделяется исследованию и популяризации народного творчества, особенно, развитию искусства бахши. Ибо, “если мы сегодня все вместе не будем действовать для сохранения данного уникального искусства, к сожалению, будет уже поздно, будущие поколения, история нас не простят”.<sup>51</sup> Исходя из этого, и фундаментальное исследование дастана «Тахир и Зухра»,

---

<sup>51</sup> Речь Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на международном фестивале бахши. город Термез, 5 апреля 2019 года.

представляющего собой совершенное художественное воплощение эпического сюжета, получившего широкое распространение в виде дастана, повести и сказки среди узбекского народа, как и других тюркских народов, считается одной из актуальных задач фольклористики.

Данное диссертационное исследование может в определенной мере послужить для претворения в жизнь задач, вытекающих из Постановлений Президента Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательских работ” от 17 февраля 2017 года № ПП-2789, “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и популяризации древнейших письменных источников” от 24 мая 2017 года № ПП-2995, “О проведении Международного фестиваля искусства бахши” от 1 ноября 2018 года № ПП-3990, “О мерах по дальнейшему развитию искусства бахши” от 14 мая 2019 года № ПП-4320, Постановления Кабинета Министров “О мерах по дальнейшему развитию и совершенствованию искусства бахши и дастанов” от 24 апреля 2018 года № VMQ-304, а также в другой нормативно-правовой документации, имеющей отношение к указанной деятельности.

**Связь исследования с приоритетными направлениями развития наук и технологий в республике.** Диссертация выполнена согласно приоритетному направлению развития наук и технологий в республике: I. «Формирование системы инновационных идей для социального, правового, культурного, духовно-просветительского развития информационного общества и демократического государства и претворение ее в жизнь».

**Степень изученности проблемы.** Сюжет дастана “Тахир и Зухра” получил широкое распространение в виде легенд, сказок, дастанов и повестей среди узбекского, туркменского, азербайджанского, татарского, башкирского, уйгурского, крымско-татарского, турецкого, казахского и других тюркских народов. Известно, что своеобразные эпические интерпретации сюжета данного дастана встречаются и в фольклоре каракалпакского, гагаузского, кумыкского, даргинского и других народов. Тюркские версии дастана “Тахир и Зухра” изучены в определенной мере, в частности, издан целый ряд научных исследований о татарской<sup>52</sup>, турецкой<sup>53</sup>, туркменской<sup>54</sup> версиях.

---

<sup>52</sup> Эхмэтжанов М.И. О языке новонайденного текста «Тахир и Зухра» // *Анализы текстов по истории татарского литературного языка*. – Казань, 1987. – С.120-129; *Татарские версии сюжета «Тахир-Зухра» // Средневековая татарская литература (VIII-XVIII вв.)*. – Казань: Фэн, 1999. – С.119-120; Исламов Р. Еще об одном варианте дастана «Тахир и Зухра» // *Гасырлар авазы (Эхо веков)*. Казань. 2005. №2. – С.193-204; Мохэмметжанова Л.Х. *Татарский эпос: книжные дастаны*. – Казань, 2014. – С.318-352; Шамарова Г.Б. *Язык дастанов А. Уразаева-Курмаши «Кисса-и буз Джигит» и «Кисса-и Тахир и Зухра»: АКД*. М., 1991.

<sup>53</sup> Fikret Turkman. “Tahir ile Zühre’nin Anadolu ve İzbek Varyantlar” // *Türk Dili Araştırmaları Yıllığı-Belleten*. – Ankara, 1988. s. 83–88; Шу муаллиф. *Tahir ile Zühre (inceleme-Metin)*. Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Yayınları, 1998; Güçbulut Burak. *Tahir ile Zühre hikvesi (Kıbrıs türk varyantı)’nin yarı bakımından incelenmesi // Turkish Studies*. Ankara, 2009. Volume 4/3. P. – С.977-990.

<sup>54</sup> Мдметцумайев А. *Zühre ile Tahir sjesine göre türkmen edebiyatındaki masallar, rivayetler, halk destanları // Gazi Türkiyat*. – Ankara, 2010. Sayı 6. s.385-400.

Хотя устные, рукописные и литографические варианты дастана “Тахир и Зухра” в узбекском фольклоре не получили фундаментального научного исследования, такие ученые, как В.М.Жирмунский, Х.Зарифов, М.Саидов, Т.Нишонбоева, О.Мадаев, Х.Окбутаев, М.Джураев<sup>55</sup>, выдвинули важнейшие научные суждения относительно жанровой принадлежности данного произведения, степени распространения, вариантов, анализа структуры мотивов из сюжетной системы и вереницы образов.

**Связь исследования с планом научно-исследовательских работ учреждения, где выполнена диссертация.** Данное исследование считается неотъемлемым структурным компонентом фундаментальных научных исследований, осуществляемых на кафедре “Узбекского языка и литературы” Кокандского государственного педагогического института.

